

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Диншунослик ва жаҳон динларини
киёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси
мудири

_____ т.ф.н., доц. Д.Раҳимжонов

“_____” _____ 2014 йил

Палванов Уктам Базарбаевич

**Мавзу: САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ “ШАРҲ АЛ-АҚОИД
АН-НАСАФИЯ” АСАРИДА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАЛҚИНИ**

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган

битирув иши

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. Д.Раҳимжанов

Такризчилар: т.ф.н., доц. С.Оқилов,

т.ф.н. Х.Аминов

Мундарижа

Кириш	3
I Боб. САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ҲОЛАТИ	
1.1. Саъдуддин Тафтазоний яшаган XIV аср муҳити	12
1.2. Олимнинг ҳаёти ва илмий мероси	24
1.3. XIV асрда Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг ўрни	33
II Боб. “ШАРҲ АЛ-АҚОИД АН-НАСАФИЯ” АСАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ЎРГАНИЛИШИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ	
2.1. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари қўлёзмалари ва уларнинг чоп этилиши	42
2.2. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”га ёзилган шарҳ ва ҳошияларида мотуридия таълимотининг акс этиши	50
2.3. Асарнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.....	60
ХУЛОСА	73
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	76
Иловалар	87

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши катта тарихий ҳодиса бўлиб, шу туфайли халқимизнинг кўп минг йиллик тарихга эга бой маънавий, илмий, диний меросини тиклаш ва ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Мазкур қариятлар тарихий ҳақиқатини ўрганиш ва уни халққа етказиш тадқиқотчилар зиммасига муҳим вазифаларни юкламоқда. Юртимизда минг йиллардан буён эътиқод қилиб келинаётган ислом дини ва тарихини ҳамда бу соҳада салмоқли ижод қилган аллома аجدодларимиз ҳаёти ва бой илмий меросларини ўрганиш шулар жумласидандир.

Бугунга келиб бу соҳада кўплаб самарали ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Алломаларимизнинг бизгача етиб келган бир қанча асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизга тақдим қилинди ва илмий истифодага киритилди. Мазкур асарлар ўтмиш аجدодларимиз қадрлаб келган миллий ва диний анъаналарнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кейинги вақтларда айрим гуруҳлар томонидан ислом дини таълимотини ғаразли мақсадларда бузиб талқин этиш ҳолати кузатилмоқда. Тарихни ўрганиш натижасида аён бўладики, бу каби салбий ҳолатлар ўтмишда ҳам юз берган.

Турли диний мутаассиб оқимлар ислом динининг мазмун-моҳиятини ва олий инсоний меъёрларини бузиб кўрсатиб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илм аҳлининг бугунги кундаги масъулиятли вазифаларидан бири ислом дини таълимотининг асл эзгу моҳиятини ёритиб бериб, унинг тинчликсеварлик ва инсонпарварлик мақсадларга йўналтирилган ғояларини халққа тўғри етказишдан иборат.

Диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр жамияти учун ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу мавзунини нақадар муҳимлигини кўрсатади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримовнинг “ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда”¹, деган фикрлари бу ҳолатни яна бир бор таъкидлайди.

Мовароуннаҳрда ислом дини ақидавий таълимотини ёритиб берувчи калом илмининг ривожланишида, шубҳасиз буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридийнинг (256-333/870-944) ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Алломанинг илмий мероси нафақат ўтмиш учун, балки ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнида рўй бераётган турли низолар шароитида ҳам радикал-экстремистик моҳиятга эга ақидалари билан бутун оламга таҳдид солаётган оқимларнинг пуч иддаоларига қарши курашда, айниқса, ёшларимизда бундай бузғунчи кучларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Абу Мансур Мотуридий яшаган даврга келиб, яъни IX асрнинг охири-X асрнинг биринчи ярмида ислом динида пайдо бўлган турли гуруҳ ва оқимларнинг сони кўпайиб кетди. Бу ҳол эътиқод масалаларида кўплаб зиддиятларни келтириб чиқарди. Ана шундай ихтилофли тортишувлар муътазилийлар томонидан ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий далиллардан (Қуръон ва ҳадис) ақлий далилларни устун қўйиш билан боғлиқ фикрлари натижасида юзага келди. Натижада ўша илк давр уламолари ҳамда муҳаддислари орасида ақоид илмига нисбатан танқидий муносабат пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридий етишиб чиқди ва мавжуд муаммоларни илмий асосда бартараф этишга ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Имом Мотуридий ҳанафий мазҳабининг буюк олимларидан ҳисобланиб, устозлари силсиласи бевосита Имом Абу Ҳанифага (80-150/699-767) боғланади².

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 446.

² Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг шогирдлари ал-Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (ваф. 189/805 й.) ва Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжонийлардан (ваф. 200/816 й.) аш-

Тарихдан маълумки, XIV асрда Мовароуннахр ва Хуросонда улкан ижтимоий-сиёсий воқеалар содир бўлди. Бу ўлкада мўғуллар ҳукмронлиги барҳам топди ва Мовароуннахр ҳамда Хуросон ўлкасини бирлаштирган Соҳибқирон Амир Темур салтанати мустақамланиб, кучли марказлашган давлатга айланди. Табиийки, Соҳибқирон Амир Темур даврида минтақада таълим, илм-фан ва маданият ҳамда халқнинг турмуш тарзи юксалди. Шу билан бирга астрономия, математика, табиатшунослик, география, амалий санъат, адабиёт, фалсафа, мантик, ислом тарихи, ақоид илми, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа турли илм соҳаларини мукаммал эгаллаган мутафаккирлар етишиб чиқди. Жумладан, Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 794/1392 й.), Али ибн Муҳаммад Журжоний (ваф. 816/1413 й.), Шамсуддин Муҳаммад Жазарий (ваф. 833/1430 й.)³, Низомуддин Шомий⁴, Муҳаммад Тафтазоний (ваф. 838/1435 й.)⁵ ва бошқа шу каби буюк олимларни айтиш мумкин. Бу алломаларни Соҳибқирон Амир Темур ўз саройига чорлаб, уларнинг ўз соҳаларида эркин ижод қилиб илм-маърифат йўлида халқ манфаати учун хизмат қилишларига барча қулайлик ва имкониятларни яратиб берди.

Мовароуннахрда асосий фаолиятини юритган, Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур саройида ижод қилган етук мутафаккирлардан бири аллома Саъдуддин Тафтазонийдир (722-794/1322-1392)⁶.

Саъдуддин Тафтазоний қирқдан ортиқ асар ёзган⁷. Жумладан, алломанинг илмий фаолиятида юртимиздан чиққан етук олимларнинг қимматли асарларига шарҳлар битиш ҳам етакчи ўрин эгаллайди. У Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Тафсир

Шайх ал-Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний (ваф. 200/816 й.) таълим олган бўлиб, ундан Абу Мансур Мотуридий таҳсил олган.

³ Абдулҳусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Техрон: Ширкате Само, 1324/1946 (бундан кейин: Абдулҳусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр). – Б. 72.

⁴ Низомиддин Шомийнинг вафот этган йили тўғрисида манбаларда аниқ маълумот йўқ. Қаранг: Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 4.

⁵ Абдулҳусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 69.

⁶ Маънавият юлдузлари (Марказий осиелик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) // Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: А.Қодирий номидаги халқаро мерос нашриёти, 1999 (бундан кейин: Маънавият юлдузлари). – Б. 163.

⁷ Маънавият юлдузлари. – Б. 163.

ал-кашшоф” ва “Навобиг ал-калим” номли асарларига муфассал шарҳ ва хошиялар ёзган.

Ҳозирги кунда Саъдуддин Тафтазоний томонидан ёзилган “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарининг калом илмидаги амияти ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Айниқса, бу асарнинг таркибий тузилиши, унда кўтарилган ақидавий масалаларнинг тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқлиги таҳлил қилинмаган. Асарнинг Ўзбекистонда ва хорижда сақланаётган қўлёзма нусхалари комплекс тарзда ўрганилиб тўлалигича тавсиф қилинмаган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг мазкур асари қарийб беш аср мобайнида Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудлар мадрасаларида асосий дарслик сифатида ўқитилган. Бироқ, унинг таълим дастуридаги аҳамияти ва ўрни ҳам ҳалигача ўрганилмаган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарини тадқиқ қилиш ва ундаги ақидавий масалаларни илмий асосда таҳлил қилиш каломга оид масалаларга аниқлик киритади. Шунингдек, халқимизга ислом динининг асл моҳиятини тўғри етказишда бу асар аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шу билан бирга ҳозирги кунда мавжуд турли хилдаги диний-сиёсий оқимлар ва бузғунчи мафкураларга қарши курашда, бизнинг тадқиқотимиздан ғоявий қурол сифатида фойдаланиш мумкинлигини ҳам айтиш зарур.

Ушбу долзарблик ва зуриятдан келиб чиқиб, мазкур битирув малакавий ишида Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ва унинг мотуридия таълимотини кенг шарҳлашдаги ўрни ёритилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мовароуннаҳр тарихи ва унда яшаб ижод этган олимлар ҳаёти ва фаолияти, хусусан, Саъдуддин Тафтазонийнинг бой илмий-маънавий меросига оид маълумотлар Шарқ мутафаккирларининг табақот, тарожим каби асарларида учрайди.

Абу Саъд Самъоний, Ёқут Ҳамавий, Ибн Қутлубуғо, Абдулҳай Лакнавий, Абу Муҳаммад Қураший, Жалолуддин Суютий, Ҳожи Халифа, Муҳаммад Заҳабий, Шарафуддин Роқимий, Зириклий, Ибн Халдун каби

табақот ва био-библиографик жанрларидаги асарларни битган олимлар ўз ишларида Саъдуддин Тафтазоний ҳақида алоҳида тўхталганлар⁸.

Шунингдек, Шантовий, Абдуррахмон Умайра, Доктор Иброҳим Шамсуддин, Доктор Акмалиддин Эҳсон ўғли, Карл Броккелман, Абдулҳусайн Навотий кабилар эса ўзларининг қўлёзма манбалар илмий тавсифлари ва каталогларига бағишланган тадқиқотларида Саъдуддин Тафтазоний ҳаёти ва ёзган асарларига тўхталиб ўтганлар⁹.

Ўзбекистонлик олимлардан ўз тадқиқот ва монографияларида Саъдуддин Тафтазоний шахсияти ва илмий меросига мурожаат қилган олимлар қаторида У.Уватов, С.Оқилов, Ш.Зиёдов, А.Аллоқулов кабиларни келтириш мумкин¹⁰. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф¹¹, Д.Юсупова¹², М.Қодиров¹³, Н.Насруллаев¹⁴ каби муаллифлар Тафтазонийнинг ҳаёти ва ижодига оид алоҳида махсус мақолалар ёзганлар.

⁸ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий Самъоний. Китоб ал-ансоб. V жилдли. / Абдуллоҳ Умар Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1419/1998; Шихобиддин Абу Абдуллоҳ Ёкут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Мўъжам ал-булдон. VII жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998 (бундан кейин: Ҳамавий. Мўъжам ал-булдон); Абул Адл Зайнуддин Қосим ибн Қутлубғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ханафия. – Бағдод: Ал-Ония, 1381/1962; Муҳаммад Адулхай ал-Ҳиндий Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ханафия. II жилдли. – Қоҳира: Дор ал-китоб ал-исламия, 1324/1906; Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ханафия. II жилдли. – Хайдаробод: 1332/1913 (бундан кейин: Қураший. Жавоҳир); Жалолуддин Абдурроҳман Суютий. Бугъат ал-вуот фи табақот ал-луғавийин ван-нуҳот. II жилдли. – Байрут: Дор ал-фикр, 1399/1979; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. II жилдли. – Истанбул: 1360-62/1941-43 (бундан кейин: Кашф аз-зунун); Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр ал-аълум ан-нубало. XVII жилдли. – Байрут: Дор ал-фикр, 1417/1997; Шарфуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – 156 б; Хайруддин Зириклий. Ал-Аълам. VIII жилдли. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1998.

⁹ Аҳмад Шантовий. Доират ал-маъориф ал-исломия. XV жилдли. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1992(бундан кейин: Аҳмад Шантовий. Доират ал-маъориф ал-исломия); Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. III жилдли. / Шарҳ ва ҳошиялар муаллифи Доктор Иброҳим Шамсуддин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001 (бундан кейин: Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид); Доктор Акмалиддин Эҳсон ўғли. Фихрис махтутот мактабат Копрулу. – Истанбул: 1406/1986. Ж. I. – Б. 409-410, 419; Brockelmann С. Geschichte der arabischen Litteratur. – Ж. II. – Б. 216; Абдулҳусайн Навотий. Риҷоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Техрон: Ширкате Само, 1324/1946.

¹⁰ Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 170 б; Оқилов С. Абу-Муъин ан-Насафий ва унинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси (Табсирату-л-адилла мисолида). Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – б; Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. – Т.: Фан, 2009. – 140 б; Аллоқулов А. “Ақоиду-н-насафий” ва унга ёзилган шарҳлар // Имом Бухорий сабоқлари: №2. –Тошкент: 2009. – Б. 156-158.

¹¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усул ал-фикҳ. – Т.: Шарқ, 2010. –576 б; Ўша муаллиф. Ақоид илмлари ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: Шарқ, 2010. – 352 б; Ўша муаллиф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Шарқ, 2011. – 280 б; Ўша муаллиф. Самарқанднинг сара уламолари. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2014. – 112 б.

¹² Юсупова Д. К вопросу о творческой деятельности ученого-энциклопедиста Са’д ад-Дина ат-Тафтазани // “Шарқшунослик” илмий тўплами: №13. – Тошкент, 2008. – Б. 69-76.

¹³ Маънавият юлдузлари (Марказий осийлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) // Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев / – Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: А.Қодирий, 1999. – 400 б; Қодиров М.

Чет эллик олимлардан Р.Сафиуллина ҳам Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ҳақида илмий тадқиқот ишини амалган оширган ва мақола ёзган¹⁵.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Мақосид” асари бўйича С.Сиддиқов томонидан махсус магистрлик диссертацияси ҳам ёзилган¹⁶.

Интернет тармоғида ҳам Тафтазоний ва унинг асарлари бўйича мақолалар ва маълумотлар мавжуд¹⁷. Аммо, шунга қарамай, аллома Саъдуддин Тафтазоний ва унинг бой илмий-маънавий мероси бўйича амалга оширилган ишлар етарли даражада эмас. Мутафаккирнинг ўрганилмаган асарлари ҳали ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Олимнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ҳам шулар жумласидан бўлиб, Саъдуддин Тафтазоний ўзининг ушбу китобида Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асарини юртимизда асосий эътиқод қилинадиган ва дунё бўйича суннийликдаги энг кенг тарқалган ҳанафий мазҳаби ва мотуридий ақидасига кўра шарҳлаган.

Шунингдек, Саъдуддин Тафтазоний бой маънавий меросини илмий тадқиқ этиш Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида бўлган “Иккинчи Шарҳ Уйғониш” даври илм-фанини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари. Тадқиқотимизнинг асосий мақсади Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган мотуридия таълимотининг XIV асрдаги ҳолати ва мазкур таълимотга бўлган муносабат ҳамда

Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Ўқув қўл. / Масъул муҳаррирлар: ф.ф.д., проф. Аҳмедова М., ф.ф.н., доц. Пўлатова Д. – Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2010. – 212 б.

¹⁴ Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари ва унга ёзилган шарҳ, хошиялар талқини. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012. – 172 б; Насруллаев А. Аллома Тафтазонийнинг “Фикҳи Кайдоний” га ёзган шарҳи // “Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференцияси. 6-тўплам. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 313-316.

¹⁵ Сайфуллина Р.Р. Арабская книга в духовной культуре татарского народа. – Казань: Алма-Лит, 2003. – 214 с; Исламоведческие исследования в современной России и СНГ: достижения, проблемы, перспективы: материалы I международного научно-практического симпозиума (19-20 февраля 2009 г.): в 2 томах. – Том II / Под ред. Б.М. Ягудина. – Казань: Intelpress+, 2009. – 306 с.

¹⁶ Сиддиқов С. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-мақосид” асарининг ислом ақидасини ўрганишдаги ўрни. Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 68 б.

¹⁷ www.en.wikipedia.org; www.archive.org; www.wdl.org; www.hrno.ru.

Саъдуддин Тафтазонийнинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси каби масалаларни илмий асосда очиб беришдир.

Бунинг учун Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини тадқиқ этиб, унинг бизгача етиб келган асарларини атрофлича ўрганилади. Шу билан бир қаторда Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарини илмий асосда таҳлил қилиб, ҳозирги давр учун унинг аҳамияти ёритиб берилади ҳамда унга ёзилган шарҳларни манбашунослик жиҳатидан таҳлил қилинади.

Тадқиқот олдига қўйилган юқоридаги мақсадларга эришиш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-маънавий ҳамда диний ҳаётни ўрганиш;
- XIV-XV асрларда калом илмини ривожланиши ҳамда мотуридия таълимотини Мовароуннаҳр ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;
- XIV-XV асрларда калом илмининг ривожланишида Саъдуддин Тафтазоний илмий меросининг тутган ўрнини аниқлаш.
- Саъдуддин Тафтазонийнинг мотуридия мактабининг номоёндаси сифатидаги фаолиятини таҳлил қилиш;
- Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий меросини ўрганиш орқали олимнинг мотуридия мактабининг ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш;
- Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарида мотуридия калом мактаби асосида ёзилган муҳим манба эканлигини ҳар томонлама очиб бериш;
- Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асаридаги ақидавий масалаларнинг мотуридия ақидасига мувофиқ келишини кузатиш;
- Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарини ислом оламидаги аҳамиятини очиб бериш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот жараёнида Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асаридаги мотуридия таълимоти талқинини ўрганиш тадқиқот предмети қилиб олинди.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ва унинг қўлёзма нусхалари тадқиқот объекти сифатида танланди.

Тадқиқот манбалари. Мазкур тадқиқотда Тафтазонийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган био-библиографик манбалар, Тафтазонийнинг асарлари қўлёзма ва тошбосма нусхаларидан фойдаланилди. Жумладан, Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фондида сақланаётган Тафтазоний асарлари ва уларнинг шарҳлари қўлёзмаларидан унумли истифода этилди. Жумладан, “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарининг университет Манбалар хазинаси фондида сақланаётган Инв. № 175 қўлёзма нусхасидан фойдаланилди. Мазкур асар 1600 йилда китобат қилинган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган илмий-амалий хулосалар жамиятда (кенг халқ оммаси, айниқса ёшларда) ислом дини ақидавий масалаларини тўғри талқин қилиш ва энг муҳими уларда соғлом эътиқодни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга тадқиқот материалларидан диний секта ва оқимлар тарихи, ислом ахлоқи ва маданияти тарихи, айниқса, калом илми каби диншунослик ва исломшунослик ўқув дастурларини тузиш ва дарс бериш жараёнида, маънавият фанлари бўйича дарс беришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг илмий янгилиги. Мовароуннаҳр калом, ҳадис, фикҳ, тарих илмлари тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий меросини тадқиқ қилиш юртимизда маънавий қадриятлар қайта тикланаётган бир вақтда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан танланган мавзунинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– Саъдуддин Тафтазонийнинг калом илмига оид рисоласи ва унга ёзилган шарҳлар комплекс равишда биринчи бор тадқиқ қилинмоқда;

– Тадқиқотда олимнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига ёзилган шарҳлар ва уларнинг баъзи қўлёзма нусхалари биринчи мартаба илмий муомалага киритилмоқда;

– Тадқиқотда ҳозирда фаолият юритаётган баъзи оқимлар “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарининг замонавий нашрларида ўзларининг нотўғри ақидаларига тўғри келмайдиган жумлаларни атайлаб тушириб чоп қилдираётганлиги аниқланди;

– Олимнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарининг ёзилиш сабаблари ва унинг мотуридия таълимоти ривожига тутган ўрни аниқ далиллар асосида очиқ берилди;

– Тадқиқотда Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига олимларнинг қизиқиши ва унга ёзилган шарҳлар илмий далиллар асосида ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг таркиби. Тадқиқот кириш, икки боб, олти бўлим, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув иши адабиётлар рўйхати, иловалар билан бирга саксон тўрт саҳифани ташкил этади.

I Боб. САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ҲОЛАТИ

1.1. Саъдуддин Тафтазоний яшаган XIV аср муҳити

Бирор олимнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда у яшаган даврда жамиятдаги сиёсий, ижтимоий ва илмий ҳолатга тўхталиб ўтиш муҳим ҳисобланади. Чунки, шахснинг олим бўлиб шаклланишида у яшаган замон муҳити алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти ва фаолиятини батафсил ёритиш, у яшаган даврга тўхталиб ўтишни тақазо этади. Шунингдек, олим яшаган даврни ўрганиш ўша давр жамиятида ислом дини ва олимларининг ўрни ва мавқеини, давлат ва дин муносабатлари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга асос бўлади.

Масъуд ибн Умар Саъдуддин Тафтазонийнинг ижодий фаолияти XIV асрнинг биринчи ярми ва охирларига (722-794/1322-1392) тўғри келади. XIV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда мўғуллар (618-772/1221-1370) ҳукмронлиги тугаб, темурийлар (772-907/1370-1501) ҳукмрон бўлиб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бораётган эдилар. Табиийки, бундай сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ўша даврда яшаб ижод этган олимлар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Хусусан, муткаллим Саъдуддин Тафтазоний ҳаёти ва илмий ижодида Самарқанддаги Соҳибқирон Амир Темур салтанати ва саройи ҳамда Мовароуннаҳр ўлкасидаги турли фирқаланишлар муҳим аҳамият касб этган.

Марказлашган Хоразмшоҳлар давлатининг вужудга келиши Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида муаёян даврда тинчлик ҳамда барқарорлик бўлишига сабаб бўлди. Натижада, бу минтақалар Шарқда ҳар томонлама ривожланган марказларга айланди. Хусусан, Мовароуннаҳр ва Хуросон илм-маърифат марказларидан саналган. Шунингдек, ислом дини илмлари бўйича ҳам етакчи бўлиб, XII-XIII асрларда биргина

Мовароуннахрда ҳанафий мазҳабига мансуб олти минг фақиҳ, бухоролик “Оли Моза” оиласи аъзолари ҳимояси остида ҳаёт кечириб келганлар¹⁸.

Тарихдан маълумки, Хоразмшоҳлар 616-618/1219-1221 йиллар мобайнида мўғуллар билан бўлган ватанпарварлик жангларида мағлубиятга учраганлар. Натижада, Чингизхон 603-624/1206-1227 йиллар давомида Осиёнинг катта қисмини – Шарқда Сарик денгизидан тортиб то Уралгача ва ҳозирги Россиянинг жанубидаги бир қисм ерларни босиб олиб, улкан “Мўғуллар империяси”га асос солишга муваффақ бўлган эди. Кўчманчи мўғуллар босқини оқибатида бу ҳудудлардаги кўплаб шаҳарлар талон-тарож ва вайрон қилинди, тинч аҳоли қирғин қилинди. Мовароуннахр ва Хуросонда барча соҳалар бир мунча муддат таназзулга учради.

Чингизхон ҳаётлик пайтидаёқ, 621/1224 йили давлатини тўрт ўғли – Жўжи, Чиғатой, Ўқтой ва Тулиларга тақсимлаб берган. Катта ўғли Жўжига Ўрта Осиёнинг шимолидаги Дашти Қипчоқ далаларидан тортиб Урал тоғларининг ғарби ва ҳозирги Россиянинг жанубидаги ерлар берилган бўлиб, Жўчи вафотидан кейин Ботухон бу ерларда Олтин Ўрда хонлигига асос солди.

Иккинчи ўғли Чиғатойга эса, Кошғар, Еттисув воҳаси ва Мовароуннахр, Хоразмнинг бир қисми, Афғонистон ва шимолий Ҳиндиситон ерлари бўлиб берилган ва бу ҳудуд Чиғатой хонлиги ёки Чиғатой улуси деб аталган¹⁹. Чиғатой²⁰ ва унинг авлодлари 624/1227 йилдан 772/1370 йилгача мазкур ҳудудларда ҳукмронлик қилганлар²¹.

Чингизхон ҳаётлик пайтида учинчи ўғли Ўғидой (Ўқтой)ни ўзидан кейин ворисликка тайинлаган²². Унга ҳозирги Мўғулистоннинг ғарбидаги ҳудудлар: Байкалдан тортиб Балхашгача, Олтой ва Торбоғотойнинг шимолидаги кенг яйловли ҳудудлар берилди.

¹⁸ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Марғиноний ва унинг издошлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2000. – Б. 4.

¹⁹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 10.

²⁰ 621-640/1224-1242 йилларда ҳукмронлик қилган.

²¹ Қаранг: Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшуносликгидан лавҳалар. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 52.

²² Бартольд В.В. Туркестан а эпоху монгольского нашествия. – Москва: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 531.

Кичик ўғли Тулига эса, ҳоқонликнинг марказий қисми: Мўғулистон ва Хитойнинг шимолидаги ерлар берилди.

624/1227 йилда Чингизхон вафот этгани билан мўғулларнинг босқинчилик урушлари тўхтамади. Балки, унинг авлодлари томонидан давом эттирилган талончилик урушларининг иккинчи даври бошланди. Бу давр икки хусусият билан ажралиб туради: бир томондан янги ерларни забт этиш ва иккинчи тарафдан мавжуд тўрт улус ўртасида босиб олинган ҳудудлар ўртасида бўлган ўзаро жанглар. Бу эса, кўплаб шаҳар ва қишлоқларнинг талон-тарож бўлишига ва тинч аҳолининг қирғин қилинишига сабаб бўлди. Жумладан, Мовароуннаҳда ҳам талончилик ва бош-бошдоқлик кундан-кунга авж олган.

Чиғатойхон вафотидан кейин хонлик тахтига унинг ва Ўқтой наслидан бўлган 33 хон ҳукмронлик қилган²³. Лекин, минтақадаги мавжуд вазият деярли яхши томонга ўзгармаган. Жумладан, Есу Мунка ҳукмронлиги даврида ичкиликка берилиб, Чиғатой хонадонининг кўпчилик хонлари каби давлатни бошқариш ишларига қизиқмади²⁴. Шунга қарамасдан, Чиғатой авлодларидан бўлган баъзи хонлар хонлиқни мустаҳкамлаш мақсадида ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қилганлар.

Дувахон ҳукмронлиги даврида (690-706/1291-1306) Балх ва Андижон шаҳарлари қайта тикланган. Шунингдек, у Мўғулистон устига бир неча марта ҳарбий юришлар қилган. Дувахон вафот этганидан кейин Чиғатой улусида яна тартибсизликлар бошланди. Дувахоннинг иккинчи ўғли Кепакхон 709/1309 йилда ўз уруғдошларининг бошбошдоқликларига барҳам бериб, Эсон Буғони тахтга ўтказишга (709-718/1309-1318) муваффақ бўлди. Айни шу пайтда кўчманчилар ўртасида ўтроқ турмуш тарзига ўтиш жараёни бошланган. Айниқса, бу жараён Кепакхон ҳукмронлиги даврида (709/1309; 718-726/1318-1326) кучайган. У Чиғатой хонлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор иқтисодий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказиб, хонлик пойтахтини

²³ Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида Чиғатой ҳукмдорлари сони 31талигини келтирган. Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” китобида уларнинг сонини 33та деган. Қаранг: Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 26; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 10.

²⁴ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 173.

яйловдан деҳқончилик воҳаларига кўчириш ташаббуси билан чиқди. Натижада, Кепакхон эски Насаф шаҳридан 2 фарсах масофада ҳозирги Қарши шаҳрини барпо этиб²⁵, уни Чиғатой хонлигининг янги маркази қилиб белгилади. Кепакхоннинг маъмурий ва пул ислоҳоти мамлакатни бошқаришни такомиллаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш, шунингдек, амалдорларнинг олибсотарлиги, бошбошдоқликка барҳам бериш мақсадида амалга оширилган эди.

Мовароуннаҳр Турон пасттекислигида жойлашганлиги сабабли, асосан, текисликлар-воҳалардан иборат. Амударё ва Сирдарё каби йирик сув манбалари деҳқончиликда сунъий суғориш тизимининг устиворлигига замин яратган бўлиб, ўлка деҳқончилик ривожланган минтақалардан ҳисобланган. XIV асрнинг биринчи ярмида бу ерда пахта, ғалла, боғдорчилик маҳсулотлари, узумчилик ва бошқада кўплаб зироат турлари экилган. Ўзининг қулай географик жойлашуви туфайли “Буюк ипак йўли”нинг савдо қарвонлари шу ердан ўтган ва савдо марказига айланган. Бу ўлка XIV асрда ҳам Хитойнинг Яқин ва Ўрта Шарқ, Шарқий Европа мамлакатлари билан олиб борилган савдо йўлининг жанубий тармоғи орқали бўладиган муносабатларида муҳим мавқени эгаллаган. Ўзаро урушлар ва мансабдорларнинг мавқеларини суиъистемол қилишлари каби қийинчиликларга қарамасдан Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо бирмунча ривож топди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Ахсикат, Исфара, Кеш, Қубо (ҳозирги Қува) шаҳарлари маданий марказлар эди. Маъмурий ислоҳотга кўра мамлакат Бухоро ва Самарқандда туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистонда орчин (пойтахт атрофидаги туман)ларга бўлинар эди²⁶.

Шунга қарамай Кепакхоннинг маъмурий ва пул ислоҳотлари Чиғатой улусидаги феодал тарқоқликка барҳам бера олмади. Чунки, давлат марказлашмаган эди. XIV аср 40-йилларида Чиғатой улуси парчаланиб,

²⁵ Бартольд В.В. Туркестан а эпоху монгольского нашествия. – Москва: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 190.

²⁶ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 175.

улуснинг шарқий қисми – Етгисув, Фарғона водийсининг шарқий қисми ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган Мўғулистон ва Ғарбий улус – Мовароуннахрга бўлиниб кетди. Хоразмнинг шарқий қисми ҳам Ғарбий улусга киритилган²⁷. 741-772/1340-1370 йиллар фитна-фасод, ўзаро феодал кураш ва улусда феодал тарқоқликнинг кучайган даври бўлди. XIV асрнинг 50- йиллари охирида эса, Чиғатой улусининг ғарбий ва шарқий қисми ўз навбатида майда бекларга бўлиниб кетди. Улуснинг Ғарбий қисмида ҳокимиятни асосан турк-мўғул қабила бошлиқлари эгалладилар. Масалан, Кеш шаҳри ва вилояти амир Хожи барлос, Хўжанд вилояти Боязид жалоир, Балх вилояти Амир Қозағоннинг набираси Амир Ҳусайн қўлига ўтди. Шибирғонда найман қабиласи бошлиғи Муҳаммадхўжа Апверди мустақил бекликлар ҳокими бўлди. Маҳаллий мулкдорлар қўлида бўлган вилоятлар ҳам бор эди: Бухоро ва унинг атрофлари садрлар тарафидан бошқариладди, Термизни маҳаллий саййидлар, Чочни маҳаллий маликлар қўлга олган эдилар.

Бир юз эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида Чингизхон ва унинг меросхўрлари қўли остида бўлган Мовароуннахр заминида аҳолининг яшаш даражаси нотекис аҳволда эди. Мўғул нўёнлари ва хонзодаларининг нотўғри сиёсати, улар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, маҳаллий хукмдорларнинг бош-бошдоқлиги ва чингизийларнинг мулк талашишларига аралашиб туриши халқни оғир аҳволга солиб қўйди. Бу эса, маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга доимий нарозилигига ва қарши қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлган. Бунга Маҳмуд Таробий бошчилигида бўлган халқ қўзғолони²⁸ яққол мисол бўлади. Чунки, Кўхна маданият маркази бўлган Мовароуннахр маҳаллий аҳолиси озодлик, осойишталик ва тинчлик бўлишини истардилар.

Бундай ҳолатни Чиғатой улусининг Шарқий қисми, Мўғулистонда ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам уруғ-қабилачилик удумларининг

²⁷ Қаранг: Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 8; Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 178.

²⁸ Қаранг: Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 177-78.

мустаҳкамлигига қарамай, исёнлар ва мулкдорларнинг ўзаро жангу жадаллари авж олди. Хонлар муайян бир ҳокимиятга эга эмасдилар. Бутун ҳокимият кўчманчи феодаллар қўлида эди²⁹.

Айниқса, Мовароуннаҳрдаги сиёсий парокандалик амир ал-умаро Қозағон вафотидан(759/1358 й.) кейин кучайиб, мамлакат майда қисмларга бўлиниб кетди³⁰. Хуллас, ана шундай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жихатдан оғир шароит ҳукм сурган бир даврда, XIV асрнинг 60- йилларида барлос уруғидан бўлган Соҳибқирон Амир Темур тарих саҳнасида пайдо бўлди. Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ёшлиги ва давлати тўғрисида кўплаб тарихий асарлар битилган. Шулардан, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги даслабки расмий тархий манба ҳисобланади. Шомий шундай деган: “Соҳибқирон ҳазрат номи жаҳон тургунча (замона) саҳифасидан ўчмағай, унинг ҳайбати овозаси, салобати зикри оламнинг Шарқу Ғарбига етгай”³¹.

Ягона марказлашган қудратли мамлакатда ҳаёт кечириш бутун халқ оммасининг мақсади эди. Турли ижтимоий-қатлам ва гуруҳларга мансуб аҳоли истагини ҳис қила оладиган чуқур идрокли, иродаси мустаҳкам ва кучли шахсина бу вазифани амалга ошириши мумкин эди. Ана шундай етук давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темур бўлди. У бошчилигида мустақиллик учун олиб борилган курашлар туфайли мўғул мустамлакачилиги XIV асрнинг 70 йилларига келиб барҳам топди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тўлиқ исми Темурбек ибн Тарағай ибн Абағай бўлиб, 736/1336 йил 9 апрелда Мовароуннаҳрнинг гўзал шаҳарларидан бўлмиш Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)га қарашли Хўжа Илғор (ҳозирги Яккабоғ тумани) қишлоғида дунёга келган³². Унинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтди³³. Ибн Арабшоҳ(ваф. 854/1450 й.)³⁴, Руи

²⁹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 179.

³⁰ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 65.

³¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 24.

³² Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. – Т.: Мехнат, 1992. Ж. I. – Б. 68.

³³ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. – Т.: Мехнат, 1992. 1-жилд; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997; Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: Ёзувчи, 1996; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993; Аҳмедов Н. Амир

Гонзалес де Клавихо (ваф. 815/1412 й.) ва бошқа тарихшунослар 761/1360 йилга қадар унинг ҳаётини айрим маълумотлар билан изоҳлашади.

751-761/1350-1360 йиллар оралиғида Соҳибқирон Амир Темур унчалик катта бўлмаган отликлар, яхши қуролланган кишилар гуруҳини тузди. Ёшлигидан Соҳибқирон ҳарбий соҳага алоҳида қизиқиш билан қараган. Бунда отаси амир Тарағайнинг хизмати бўлганлиги шубҳасиз³⁵. Клавихо маълумот беришича ёш Соҳибқирон Амир Темур қўшини 300 суворийдан иборат бўлган. 300 отликқа бош бўлган Соҳибқирон Амир Темур Ўрта Осиёда юз берган сиёсий тарқоқликдан моҳирона фойдаланган.

761/1360 ва 762/1361 йилларда Мўғулистон ҳукмдори ҳокон Туғлуқ Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади³⁶. Бу пайтда ҳокон Туғлуқ Темурга қарши чиқадиган ҳарбий-сиёсий куч йўқ эди. Натижад, унинг босқинчилик тадбирлари Ўрта Осиёлик мустақил ҳукмдорларни саросимага солган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳокон Туғлуқ ҳарбий юриши пайтида, Соҳибқирон Амир Темур Хуросонга қочаётган тоғасини кузатар экан шундай дейди: “Сизнинг Хуросонга қараб йўл олишингиз, менинг эса вилоятни вайронагарчиликдан қутқариб қолишим учун Кешда қолмоғим маъқулдир ва давлатни идора қилмоғим ва сақлаб қолмоқлик учун Мўғул хонининг хизматига кирганим фойдалироқдир”. Шу ўринда Али Яздий Соҳибқирон Амир Темурнинг мана бу сўзларини ҳам келтиради: “Бошлиқсиз мамлакат жони суғуриб олинган танага ўхшайди. Жонсиз тана унинг ҳалокати билан баробардир”³⁷. Шундай қилиб, ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеаларини тўғри баҳолай олган Соҳибқирон Амир Темур 25 ёшида Кеш

Темур ривоят ва ҳақиқат. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996; Салоҳуддин Тошкандий. Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1991; Муҳаммаджанов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994.

³⁴ Ибн Арабшоҳнинг тўлиқ исми Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим бўлиб, у 791/1389 йили Дамашқда туғилган. 803/1401 йили Амир Темур Сурияни забт этган пайтда кўплаб олимлар катори у ҳам Самарқандга олиб келинган. Ибн Арабшоҳ 803-810/1401-1408 йиллар оралиғида Самарқандда яшаган. 854/1450 йили Қоҳирада вафот этган.

³⁵ Қаранг: Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: Ёзувчи, 1996.

³⁶ Муҳаммаджанов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 9.

³⁷ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Фан, 1972. –В. 96^а-96^б.

вилояти ҳокими бўлишга муяссар бўлди³⁸. Айнм шу пайтдан бошлаб, Амир Темурнинг Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётидаги иштироки расман бошланган. Амир Темур фаолиятида икки давр якқол кўзга ташланади. Биринчи давр 761-788/1360-1386 йилларни ўз ичига олиб, Мавароуннаҳрни бирлаштириш, ўзаро урушларга чек қўйиш билан характерланади. Иккинчи давр эса, 788-804/1386-1402 йилларни қамрайди ва уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик уруш деб номланган ҳарбий ҳаракатлар билан ифодаланади³⁹.

761-771/1360-1370 йилларда Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига Соҳибқирон Амир Темур билан бир қаторда таъсир ўтказган шахслардан яна бири Амир Қозғоннинг набираси амир Ҳусайн эди. Балх ва унинг атрофидаги ер-мулклар унинг тасарруфида бўлиб, 762/1361 йилда Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайнга Баён Сулдуз билан жангда ёрдам беради⁴⁰. Натижада, иккала ҳукмдор бирлашиб, мўғул хонларига қаршилик кўрсатиш имкони пайдо бўлди. Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур мўғул ҳокимига қарам эди. Туғлуқ Темур ўз ўғли Илёсхўжани Мовароуннаҳрга ҳоким қилибюборади. Мустақил бўлишга ҳаракат қилиб юрган Соҳибқирон Амир Темур янги ҳукмдорга итоат этмади. Бунинг оқибатида янги зиддият юзага чиқди. Амир Ҳусайн билан Соҳибқирон Амир Темурнинг бир-бирлари билан жуда яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 762-766/1361-1365 йилларни ўз ичига олиб, улар ўртасида иттифок бўлган. Айниқса Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳусайннинг жиян синглиси Ўлжой Туркон Оғога уйланиши улар ўртасидаги иттифокни қариндошлик ришталари билан янада мустаҳкамлади. Аммо бу дўстлик узоққа бормади. 766/1365 йилдаги даҳшатли “Лой жанги”дан кейин, икки саркарда ўртасидаги муносабат кескинлашди. Бунга Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилиш манфаатларининг тўқнашганлиги бўлди.

767-771/1366-1370 йиллар оралиғида Соҳибқирон Амир Темур ўз эътиборини ички ишларга қаратди. Амир Ҳусайн ва Соҳибқирон Амир Темур

³⁸ Фасих Ахмад ибн Джалал ад-Дин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – Т.: Фан, 1980. – С. 88-89.

³⁹ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993. – Б. 15.

⁴⁰ Фасих Ахмад ибн Джалал ад-Дин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – Т.: Фан, 1980. – С. 89.

ўртасидаги зиддиятлар 771/1370 йилда Ҳусайннинг ўлдирилиши ва Соҳибқирон Амир Темурнинг тахтга ўтириши билан якунланди. Ўша йили Соҳибқирон Амир Темур хонлик унвонидан воз кечди ва ўзини амир деб эълон қилди ҳамда Кеш шаҳридан Самарқандга кўчиб ўтди ва уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди⁴¹. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз олдига қўйган муҳим вазифаларидан яна бири сиёсий тарқоқликка барҳам бериш, алоҳида мулкларни мустаҳкамлаб, марказлашган ва кучли давлат остида бирлаштириш эди. У Амударё ва Сирдарё оралиғида турган ерларни ўзига бўсундириб, итоат эттирди. Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиш унга қийин бўлмади. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Олтин Ўрдага қарашли ерларни эгаллашда у бу ерлардаги ички сулолавий урушлардан фойдаланди. XIV асрнинг 60-йилларида Хоразм қўнғирот сулоласига мансуб ҳукмдор Ҳусайн Сўфий қўлида эди. Соҳибқирон Амир Темур 790/1388 йилда Хоразмни ҳам ишғол қилди. Шундай қилиб, Еттисувдаги ва Сирдарё этакларидаги ерлардан ташқари, Туркистон ерларининг ҳаммаси Соҳибқирон қўлига ўтди.

Қадимий Турон ва Туркистонда Соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги давлат-қудратли ва буюк империя вужудга келди. 35 йиллик қисқа вақт давомида Соҳибқирон Амир Темур фақат Мовароуннаҳрнинггина ҳукумдори бўлиб қолмасдан, у Хоразм, Олтин Ўрда, Каспий атрофидаги вилоятлар, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Кавказ орти, Кичик Осиё, Ғарбий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари, Қора денгиз соҳиллари, Жанубий Россия, Ироқ, Сурия ва Мисргача - жами 27 мамлакатни истило қилиб, жуда катта ва кенг ҳудудни ўз ичига олган буюк империяни ташкил қилди. Соҳибқирон Амир Темур туфайли Марказий Осиё халқларининг миллий мустақилликка эришуви нафақат Мовароуннаҳрнинг ўзида балки шу минтақадаги бошқа мамлакатларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришларга олиб келди.

⁴¹ Муҳаммаджанов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 14-15.

Соҳибқирон Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр халқларини мўғил мустамлакачилигидан холос қилди, балки у шу билан бирга, ўзи истило қилган мамлакатларда феодал парокандалилга ҳам барҳам бериб, бутун малакатда нисбатан тинчилик ва осойишталикни тартиб-интизомни қарор топдирди. Бу нарса ўз навбатида, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг кенг ривож топишига олиб келди. Соҳибқирон қурилиш ишларига кўпроқ эътибор берган эди. 766-767/1365-1366 йиллардаёқ у Қаршини теварак атрофида деворлар, муҳофаа иншоотлари барпо этди. 771/1370 йилда Самарқандда деворлар ва кўҳандиз қурилиб, Соҳибқирон Амир Темур империясининг пойтахти бўлмиш ушбу кўҳна диёр ғоят обод ва кўркем шаҳарга, яъни шоир мадҳ қилганидек, “ер юзининг сайқали”га айланди⁴². 782/1380 йилда эса Шаҳрисабзда Оксарой қасри қурилиши бошланиб, ҳимоя деворлари қурилди. Соҳибқирон Амир Темур давлати тасарруфига кирган бошқа шаҳарларда ҳам қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари, янги бинолар барпо этиш авж олдирилди, уларда ҳунармандчилик, шаҳарлар атрофида боғ-роғлар қишлоқ жойларида эса ирригация ишлари кенг йўлга қўйилиб, экин майдонлари кенгайтирилди, деҳқончилик ишлари яхшилана борди. Ташландиқ, хорабозор ерлар обод қилина бошланди.

Соҳибқирон Амир Темур давлати ўз даври ижтимоий-сиёсий тузумининг юқори босқичи ҳисобланади. Бу даврда ерга эгалик муносабатлари ҳаётга кенг жорий этилди. Ерга эгалик қилишнинг чекланмаган ҳукмронлиги ўрнатилди. Қайси мамлакат босиб олинса, ўша ерда ерга эгалик қилишнинг феодал муносабатлари қарор топа борди.

Етук саркарда ҳокимиятни бошқаришда фақат давлат аппаратини мустаҳкамлашга, мамлакатдаги майда ва йирик, лекин тарқоқ феодалларни бирлаштиришга ҳаракат қилибгина қолмасдан шу билан бирга мамлакатнинг сиёсий қудратини ошириш учун иқтисодий қудратини ҳам оширишга, кенг халқ оммасининг маънавиятини ҳам юксалтиришга катта эътибор берди. У ўзи ишғол қилган хорижий мамлакатларда қўлга киритаётган моддий ва

⁴² Муҳаммаджанов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 15.

маънавий интеллектуал бойликларни ўз халқи моддий ва маънавий-интеллектуал бойликларига қўшган ҳолда уларни элу юрт ободончилиги, шаҳар ва қишлоқларнинг гуллаб-яшнашига, халқ фаровонлигига сарф қилди. Соҳибқирон Амир Темури даврида қишлоқ хўжалиги яхши ривожланди.

Соҳибқирон Амир Темури давлат бошқаруви борасида мукаммал қонунлар тўплами бўлган “Темур тузуклари”ни ишлаб чиқди. У Ислом дини мафкуриси ва аҳкомларига суяниб, ўз “Тузуклари” асосида эл-юртни бошқарди ва мамлакатни обод этди⁴³. Соҳибқирон Амир Темури давлатни каттиққўллик билан бошқарди. Деҳқонлар ғаллани йиғиб олмасдан олдин, солиқ тўплаш қатъий ман этилган.

Мамлакатда амалга оширилган улкан ишларнинг ҳаммаси давлат бошқарув тартиби орқали амалга ошириларди. Асосий бош бошқарма-Девони Бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма ҳам бор эди. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, жамоат бинолари-бозорлар, йўлларни назорат қилиш билан шуғулланар эди. Давлат ишларида ҳам, ҳарбий юришларда ҳам Соҳибқирон Амир Темурининг асосий ва содиқ таянчи ўз қўшинлари эди.

Соҳибқирон Амир Темури Марказий Осиё ва унга қўшни бўлган юртларни бирлаштириб, феодал тарқоқликка барҳам бергач, Самарқандга тасарруф этилган барча минтақа ва вилоятлардан машҳур олим ва ҳунармандларни тўплай бошлаган. Унинг мақсади асрларда бўлгани каби ислом дувёсининг илмий марказлари сифатида танилган Хоразм, Бухоро ва Бағдоддаги “Байтул ҳикма” илмий мактаби анъаналарини Самарқандда тиклаш бўлган⁴⁴.

Айниқса, шаҳарлар қуриш гуркираб ривожлана бошлади, уларда эса илм-фан, маданият ва санъат гуллаб бошлади. У қайси мамлакатни эгалласа, унинг ноёб ўлжаси – шу ўлканинг рассомлари, моҳир усталари ҳисобланган.

⁴³ Муҳаммаджонов А. Темури ва теурилар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 4.

⁴⁴ Маънавий юлдузлари. – Б. 180.

У Бурса кутубхонасидаги китобларни юк ташийдиган ҳайвонларга ортиб, Самарқандга кўчиртирган⁴⁵.

Соҳибқирон Амир Темур саройида хизмат қилувчи олимлар орасида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Абдуллоҳ Лисон, Мавлоно Баҳриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокий ва бошқалар бор эди⁴⁶.

Манбаларда кўрсатилишича, Соҳибқирон Амир Темур турк, араб ва эрон тарихини яхши билган. Аниқ фанларга ҳурмат билан қараган, амалий жихатдан фойда келтирадиган ҳар қандай билимни кадрлаган. У давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган. Давлат аҳамиятига молик бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳа билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашган. У одатда тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт, тилшунослик, диний илм соҳиблари билан суҳбатлар ўтказиб турарди. Уларнинг маслаҳатларидан фойдаланарди ва давлатни одил бошқаришда уларга суянардди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темур замонасининг билимдон ҳукмдорларидан бўлиб, мамлакатни ривожлантиришда илм-фаннинг аҳамияти беқиёс эканлигини яхши тушунган ва олиму уламоларга эҳтиром билан қараган⁴⁷. Шунингдек, Низомиддан Шомий “Зафарнома” асарида бу тўғрида қуйидагича баён қилади: “Юқори даражадаги фозиллар ва улардан қуйироқ кишиларни бир-биридан фарқ қилиб, ҳар бирини ўз мартабасига кўра барқарор тутди. Ҳар бир кишини фазли ва донишмандлиги даражасига лойиқ мақомга қўяди. Машойихлар ва солиҳ бандаларни улуғлайди, улар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммажилис бўлишга рағбат кўрсатади”⁴⁸.

Ўз соҳаси фанида аллома бўлган кишилар саройга тўпланган. Соҳибқирон Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, Ҳандаса, меъморлик, илми

⁴⁵ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом, 1990. – Б. 33.

⁴⁶ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993. – Б. 23.

⁴⁷ Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1995. – Б. 14.

⁴⁸ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 20.

нужум, адабиёт, тарих, мусиқа соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берган.

Хулоса сифатида шу айтиш керакки, Соҳибқирон Амир Темур тарихий жуда қисқа муддат ичида Турон заминидаги тарқоқ беклик ва хонликларни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Ўз салтанида юксак илмий-маънавий муҳитни яратди.

1.2. Олимнинг ҳаёти ва илмий мероси

Юртимизда кенг тарқалган ханафий мазҳабининг йирик намояндаларидан бири Саъдуддин Тафтазонийдир. Бу олим нафақат ислом оламида “саъд ал-милла ва ад-дин”, “саъд ал-имом ал-аллома ал-фақиҳ ал-адиб ал-ҳанафий” ва “шарқнинг олими” каби номлар билан машҳур⁴⁹, балки ўзининг кўплаб қомусий асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олим сифатида эътироф этилади. Олимнинг тўлиқ исми Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ ибн Шамсуддин ал-Қорий бўлиб, Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган⁵⁰. Машҳур муаррих олим Ёқут Ҳамавийнинг (574-626/1179-1229) таъкидлашича, бу шаҳар, араб мусулмон лашкарлари Хуросонга келганларида у ердаги барча эркаклар жанг қилиш учун шаҳарни тарк этганликларини ва фақат аёллар қолганини кўриб, булар “насо” (аёллар) экан, улар билан уруш қилманг деб, аёлларга нисбатан куч ишлатмаган эканлар. Шу сабабдан бу шаҳарнинг номи Насо деб аталган⁵¹. Тарихда “насоий” нисбасига эга кўплаб олимлар ўтган. Сарахс билан Насо орасида икки кунлик, Марв билан беш кунлик, Абивард билан бир ва Нишопур билан олти ё етти кунлик масофа бўлган. Шаҳар иқлими тоза ва мўътадил бўлган⁵².

⁴⁹ Абдулхусайн Навотий. Риҷоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 69.

⁵⁰ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Истамбул: Мактабат ал-Фурқон (йили кўрсатилмаган). – Б. 12.

⁵¹ Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Ж. V. – Б. 281-282.

⁵² Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. – Б. 12.

Алломанинг таваллуд топган йили тўғрисида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи манбаларда 722/1322 йил⁵³ кўрсатилса, бошқаларида 712/1312 йил келтирилган⁵⁴.

Саъдуддин Тафтазоний ёшлигиданоқ илм олишга катта қизиқиш билан караган. Саъдуддин Тафтазонийнинг нутқида бироз дудуклик бўлган⁵⁵. У Тафтазон қишлоғини илм олиш мақсадида тарк этиб Насо шаҳрига боради. Лекин, манбаларда Насо шаҳрида қанча муддат таълим олганлиги ҳақида аниқ маълумот учрамаса-да, хаттотлик, имло қоидалари, Қуръони каримни ёд олиш ва ислом дини таълимотларини чуқур ўрганганлиги келтирилади. Шундан кейин, Ибн ал-Имодий айтишича, Саъдуддин Тафтазоний Насо шаҳридан таълим олиш учун Самарқандга йўл олган. Саъдуддин Тафтазоний илоҳиёт фанларини, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ илмини ўн олти ёшигача ўз даврининг йирик олимлари Азудуддин ал-Ийжий (ваф. 766/1365 й.) ва Қутбиддин Муҳаммад ар-Розий (ваф. 766/1365 й.) лардан ўрганган⁵⁶. У аллома Азудуддин ал-Ийжийнинг шогирдлари орасида ўзининг салоҳияти билан ажралиб турган⁵⁷.

742/1341 йили Журжония (Гурганч) шаҳрига боради. Бу пайтга келиб бу шаҳарда Саъдуддин Тафтазонийнинг аллома Азудуддин Абдулваҳҳоб Иброҳим аз-Занжонийнинг наҳвга оид “ат-Тасриф” китобига ўн олти ёшида (738/1338 й.)⁵⁸ ёзган шарҳи маълум ва машҳур бўлиб кетган эди. Саъдуддин Тафтазоний бу шаҳарда илмий ижодга, бебаҳо асарлар ёзишга қаттиқ бел боғлайди ва кўпгина шогирдлар тайёрлайди ҳамда ўзининг балоғат илмига оид “ал-Мутаввал ала ат-Талхис” номли асарини ҳам мана шу ерда ёзиб тугатади⁵⁹.

⁵³ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж. I. – Б. 5; Абдулхусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 65; Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20.

⁵⁴ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 12; Зириклий. Ал-Аълом. Ж. VII. – Б. 219.

⁵⁵ Зириклий. Ал-Аълом. Ж. VII. – Б. 219.

⁵⁶ Маънавият юлдузлари. – Б. 163.

⁵⁷ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. – Б. 78.

⁵⁸ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20.

⁵⁹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. – Б. 79.

Саъдуддин Тафтазонийнинг илм олиш ва таълим-тарбия бериш мақсадида бутун умри давомида кўплаб жойларга сафар қилишига карамасдан, фарзандларини ҳам илм олишига алоҳида эътибор берган. Манбаларда, алломанинг учта ўғли ҳақида маълумотлар келтирилган. Улар ҳам ўз даврининг машҳур олимлари бўлиб етишган. Муҳаммад ибн Масъуд ат-Тафтазоний исмли ўғли ҳам машҳур олимлардан бўлиб, Амир Темур мажлисларида қатнашаган⁶⁰.

Алломанинг Қутбиддин исмли бошқа ўғли эса, “Шайхулислом” лавозимида ишлаган.

“Шамсуддин” номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Масъуд исмли ўғли муҳаддис ва фақиҳ бўлиб, “Шайхулислом” лавозимида ишлаган. Саъдуддин Тафтазоний вафотидан кейин унинг Хуросондаги ўрнини эгаллаган⁶¹.

Саъдуддин Тафтазоний Соҳибқирон Амир Темур таклифи билан Самарқандга келди. Саъдуддин Тафтазоний кўплаб асарларини Мовароуннаҳр шаҳарларида ёзган. Алломанинг саройга таклиф этилиши тўғрисида Хондамир ўзининг “Ҳабиб ас-сияр” асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Соҳибқирон Амир Темур Хоразмга 770-771/1369-1370 йилларда қилган юриши пайтида Сарахс ҳокими Муиззуддин Ҳусайн Амир Темурдан Тафтазонийни Сарахсга юборишини сўрайди. Амир Темур унинг илтимосига биноан Тафтазонийни у ерга юборади. Тафтазоний Самарқанддан кетгач, Амир Темурга унинг қанчалар билимдон, олим эканлигини айтганда қилган ишидан афсусланган. Амир Темур Тафтазонийга Самарқандга қайтиб келиши ҳақида нома юборади. Тафтазоний Ҳижоз сафарига отланаётганлиги боис биринчи таклифни ўзи рад қилган. Лекин, Амир Темур иккинчи бор таклиф қилади. Ушбу таклифни Тафтазоний рад эта олмай пойтахтга, яъни Самарқандга ташриф буюради. Бу воқеа Амир Темур 789/1387 йили Шерозга юриш қилгандан кейин содир бўлган”⁶².

⁶⁰ Абдулҳусайн Навотий. Риҷоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 69.

⁶¹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 14.

⁶² Абдулҳусайн Навотий. Риҷоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 66.

1377 йилда Саъдуддин Тафтозоний, дўсти ва ҳамкори Мир Саййид Шариф Журжоний туфайли Шерозга Шох Шужоъ ҳузурига таклиф қилинади. Амир Темур бу шаҳарни босиб олгандан кейин, икки олим ҳам Самарқандга келади. Икки дўст ўртасида Амир Темур саройида катта илмий баҳслар бўлган⁶³.

Олимнинг вафоти ҳақида ҳам манбаларда турли хил саналар кўрсатилган. Жумладан, “Фавоид ал-баҳия”да олимнинг вафоти 789/1387 йил⁶⁴, Хондамирнинг “Ҳабиб ас-сияр” асарида 796-797/1394-1395 йил⁶⁵, Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-Зунун” асарида 793/1390 йил⁶⁶, Аҳмад аш-Шантовийнинг “Доират ал-маъориф ал-исломия”, имом Суютийнинг “Бугъат ал-вуот” асарларида 791/1389 йил, Шарафуддин Роқимийнинг “Тарихи томм” асарида 794/1392 йил⁶⁷ тарзида келтирилган. Хайруддин Зириклий ва Шарафуддин Роқимий асарларида келтирилган маълумотга кўра, аллома Самарқандда вафот этган бўлса-да, Сарахсга дафн этилган⁶⁸. Кўпчилик манбаларда Саъдуддин Тафтазоний саксон ёшида вафот этгани таъкидланади ва у 794/1392 йилга тўғри келиб, шу маълумот асосли ҳисобланади.

Саъдуддин Тафтазоний бутун умри давомида илм олиш мақсадида ўз даврининг илм ўчоқлари бўлган Насо, Сарахс, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Дамашқ каби шаҳарларда бўлиб, илмнинг турли соҳаларида кўплаб таниқли олимлар қўлида таҳсил олган ва турли илмий анжуманларда бевосита иштирок этган. Алломанинг устозлари қаторида қуйидагиларнинг номларини зикр қилиш мумкин:

1. Азудуддин Абдурахмон ибн Рукниддин Абдуғаффор ибн Аҳмад Бакрий Шибанкарий ал-Ийжий (ваф. 680/1355 й.). У шофий мазҳабининг етук фақиҳи ва ашъарийлик мактабининг кўзга кўринган мутакаллим бўлиб,

⁶³ http://www.ziyouz.uz/ru/index.php?option=com_content&view=article&id=570:--1322-1390&catid=43:2012-09-02-10-29-04&Itemid=57

⁶⁴ Лакнавий, Муҳаммад Адулхай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ханфия. – Коҳира: Дор ал-Китоб ал-исламия, 1324/1906. – Б. 134.

⁶⁵ Абдулхусайн Навотий. Риҷоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 69.

⁶⁶ Зириклий. Ал-Аълом. Ж. VII. – Б. 219.

⁶⁷ Имом Суютий. Бугъат ал-вуот. Ж. II. – Б. 285; Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 22.

⁶⁸ Зириклий. Ал-Аълом. Ж. VII. – Б. 219; Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 22.

Ўзи мударрислик қилган мадрасада кўплаб машхур шогирдларни чиқарди. Улардан, Шамсуддин Кирмоний, Зиёвуддин Афибий ҳамда Саъдуддин Тафтазоний кабиларни айтиш мумкин. Ийжий кўплаб асарлар ёзган бўлиб, улардан энг асосийлари “Ахлоқ Азудиддин”, “ал-Ақоид ал-Азудия”, “ал-Мавоқиф” ва “Жавоҳир ал-калом” асарларидир.

2. Зиёвуддин Абдуллоҳ ибн Саъдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Усмон Қазвиний (ваф. 780/1378 й). Бу алломадан Саъдуддин Тафтазоний дарс тинглаган.

3. Қутбуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Розий, ат-Тахтоний (ваф. 766/1365 й.). Ундан, Дамашққа борганда илм ўрганган. Ўша пайта у Зоҳирия мадрасасиниг қуйи босқичида ўқиётган эди⁶⁹.

4. Насимуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саид ибн Масъуд ибн Муҳаммад ибн Али Найсобурий (ваф. 801/1399 й.).

5. Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб Қусий (ёки ал-Қусай, ваф. 803/1401 й.) кабиларни келтириш мумкин⁷⁰.

Натижада, Саъдуддин Тафтазоний ўз даврида кенг тарқалган ақоид, мантиқ, усул ал-фикҳ, фикҳ, астрономия, математика каби илм соҳаларида етук олим даражасига эришади.

Айни пайтда, Саъдуддин Тафтазоний чуқур билимлари ва калом, фикҳ, усул ал-фикҳ, сафр, наҳв ва мантиқ каби турли соҳалардаги китоблари билан кўплаб шаҳарларда шуҳрат қозонган⁷¹. Аллома ислом оламида донғи кетган кўплаб шогирдларни ҳам етиштириб чиқарган. Улардан қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ҳисомиддин ибн Али ибн Муҳаммад Абивардий (ваф. 816/1413 й.).

2. Бурҳониддин Ҳайдар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Шерозий Хавофий, Садр Ҳаравий номи билан машхур бўлган (ваф. 854/1450 й.).

3. Алоуддин Абулҳасан Али ибн Муслиҳиддин Мусо ибн Иброҳим Румий Ҳанафий (ваф. 841/1437 й. – Қоҳира).

⁶⁹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 13.

⁷⁰ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж.1. – Б. 6.

⁷¹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 13.

4. Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ажамий Ҳанафий.

5. Ҳайдар ибн Аҳмад ибн Иброҳим Абулҳасан Румий Асл Ажамий Ҳанафий. У Қоҳирада яшаган ва ҳижрий 854/1450 йилда вафот этган.

6. Алоуддин Али Қўжҳисорий.

7. Шамс ал-Каримий. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Фазлуллоҳ ибн Мажд Аҳмад (ваф. 861/1457 й.).

8. Юсуф Жамол Ҳаллож Ҳаравий Шофеъий, аш-Шамс ал-Каримийнинг отаси.

9. Жалолиддин Юсуф ибн Рукниддин.

10. Мирак Сайроний ёки Сайрамий.

11. Лутфуллоҳ Самарқандий.

12. Шихобуддин Муҳаммад.

13. Шамсуддин Фанорий. У Муҳаммад ибн Ҳамза Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Фанорий Румий Ҳанафийдир.

14. Асир Бағдодий. У Жибрил ибн Солиҳ Асир Бағдодийдир.

15. Саъдуддин Лорий.

16. Фатҳуллоҳ Шарвоний. У Фатҳуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шарвонийдир (ваф. 857/1453 й.).

17. Маҳмуд Сароъий⁷².

18. Муҳаммад ибн Атоуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абу Абдурозий (776-829/1374-1425). У имом ал-аллома, шамс ад-дин номлари билан улуғланган ва қози ал-қузот бўлган⁷³.

Олим тафсир, фикҳ, калом, наҳв, балоғат ва мантиқ каби соҳаларни пухта ўзлаштириб, шу соҳаларда кўплаб китоблар тасниф қилган. Саъдуддин Тафтазоний ислом оламида энг ёш китоб ёзган олимлар сарасига киради. Зеро, у ўн олти ёшидаёқ “Шарҳ ат-тасриф ал-изий” номли асарни ёзиб

⁷² Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж. I. – Б. 6-7.

⁷³ Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн амр ибн Қозий. Табақот аш-шофий. Ж. I. – Б. 203.

тугатган⁷⁴. Маълумотларга қараганда, унинг илмий-маънавий меросига тегишли асарлар қирқдан ортиқ. Улардан машҳурлари:

Калом илмига оид:

1. Китоб ал-мақосид⁷⁵.
2. Ал-Мақосид фи илм ал-калом⁷⁶ (Шарҳ ал-мақосид) ёки Шарҳ аш-шарҳ.
3. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия⁷⁷.
4. Ар-Радд ала Зиндиқа Ибн Арабий⁷⁸.

Усул ал-фикҳ илмига оид:

1. Талвих фи кашф ҳақоик ат-танқиҳ⁷⁹.
2. Шарҳ ал-мухтасар ало китоб мунтаҳо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал.
3. Ниъам ас-савобиғ фи шарҳ ал-калим ан-навобиғ⁸⁰.

Фикҳ илмига оид:

1. Фатово ал-ҳанафия⁸¹.
2. Шарҳ фароиз ас-Сирожия⁸².
3. Ал-Мифтоҳ фи фуруъ ал-фикҳ аш-Шофий⁸³.
4. Ихтисор шарҳи талхис ал-жомеъ ал-кабир⁸⁴.
5. Шарҳ фикҳ ал-Кайдоний⁸⁵.

⁷⁴ Аҳмад Шантовий. Доират ал-маъориф ал-исломия. Ж. V. – Б. 339.

⁷⁵ Бу асар 786/1384 йили Самарқандда ёзиб тугатилган.

⁷⁶ Бу асар 786/1384 йили Самарқандда ёзиб тугатилган.

⁷⁷ Бу асар 768/1367 йилда ёзилган.

⁷⁸ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж. I. – Б. 7-10. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дор ал-улум лил-малайин, 1998. Ж. VII. – Б. 319; Аҳмад Шантовий. Доират ал-маъориф ал-исломия. Ж. V. – Б. 339-346.

⁷⁹ Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарни Гулустонда 758/1357 йили ёзиб тугатган. Асар Дехли, Лакхун каби шаҳарларда 1267/1851, 1281/1864 йилларда нашр қилинган.

⁸⁰ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. Ж. I. – Б. 8. Замахшарийнинг “Захира” асарига ёзилган шарҳ.

⁸¹ Асар 757/1356 йили Ҳиротда ёзилган.

⁸² Бу Муҳамма ибн Маҳмуд ибн Абдулрашид Сажозандий (тахминан ваф. 600/1204 й.)нинг “Фароиз ас-Сирожия” асарига ёзилган шарҳ. “Фароиз ас-Сирожия” асари 2010 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди. Қаранг: Муҳамма ибн Маҳмуд ибн Абдулрашид Сажозандий. Фароизус сирожия. – Т.: Тошкент ислом университети нарийёт-матбаа бирлашмаси, 2010. –144 б.

⁸³ Бу асар 782/1380 йили Самарқандда ёзилган. Асар шофий мазҳабида ёзилишига қарамасдан, асарда ҳанафий мазҳабига доир фатволар мажмуаси ҳам тўпланган.

⁸⁴ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. Ж. I. – Б. 8. Асар 785/1383 йили Самарқандда ёзилган.

⁸⁵ Қаранг: Фикҳи Кайдоний. Каталог. – Б. 234. Мазкур асар Лутфуллох Насафий (ваф. 750/1349 й.)нинг “Фикҳи Кайдоний” асарига ёзилган шарҳ.

6. Китоб ал-ихзор⁸⁶.

Ҳадис илмига оид:

1. Арбаъун фи ал-ҳадис.
2. Рисолат ал-икроҳ⁸⁷.

Тафсир илмига оид:

1. Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Тафсир ал-кашшоф” тафсирига ёзилган ҳошия “Талхис ал-кашшоф”⁸⁸.
2. Кашф ал-асрор ва иддат ал-аброр фи тафсир ал-Қуръон⁸⁹.

Наҳв илми (араб тили грамматикаси)га оид:

1. Шарҳ ат-тасриф ал-иззий⁹⁰.
2. Иршод ал-Ҳодий⁹¹.
3. Саъдийнинг “Бўстон” номи билан машҳур девонининг туркий тилдаги насрий таржимаси.

Балоғат илмига оид:

1. Шарҳ ал-мутававал ёки Шарҳ ат-талхис ал-мутававал⁹². “Дамашқнинг Воизи” номи билан машҳур бўлган Шайх Жалолиддин ибн Абдуррахмон Қазвиний Шофиъийнинг “Талхис ал-мифтоҳ фи-л-маъоний вал-баён” асарига ёзилган шарҳ⁹³.

⁸⁶ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20. Тафтазоний мазкур асарини Ғиждивон вилоятида 753/1352 йили ёзган.

⁸⁷ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. Ж. I. – Б. 7-8.

⁸⁸ Саъдуддин Тафтазоний Замахшарийнинг “Кашшоф” асарига ҳошия ёзган. Ҳожи Халифа: “Ушбу асар “Кашшоф” шарҳига таълиқ қилиб ёзилган” деб, таъкидлаган. Тафтазоний ушбу асарни 787/1385 йили Самарқандда ёзишни бошлаган, лекин охирига етказа олмаган. Ушбу асар Бақара сурасидан Ҳуд сурасигача ва Зумар сурасидан Талоқ сурасигача бўлган сураларни ўз ичига қамраб олган. Асар Британия музейида ва Ҳиндистон кутубхоналаридан бирида сақланади.

⁸⁹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. Ж. I. – Б. 8. Ушбу асар Қуръони каримга ёзилган форсча тафсирдир.

⁹⁰ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. Ж. I. – Б. 5. Ушбу асар Саъдуддин Абдулвахҳоб Иброҳим аз-Занжонийнинг “Занжоний” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, аллома уни ўн олти ёшида 738/1338 йили ёзган. Асар Канстантиноплда 1253/1837, Техронда 1280/1884 (мажмуа таркибида), Деҳли шаҳрида Аҳмад ибн Шоҳ Гулнинг “Мифтоҳ ас-саъода” асари билан биргаликда 1289/1872, 1295/1878, Қоҳира шаҳрида 1307/1889 йилларда нашр қилинган.

⁹¹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж. I. – Б. 8. Ҳожи Халифани таъкидлашича, Тафтазоний ушбу асарни ўғлига атаб Хоразмда 774/1372 йили ёзиб тугатган. Асарга Муҳаммад ибн Али ал-Журжоний, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийлар шарҳ ёзишган.

⁹² Саъдуддин Тафтазонийнинг балоғат фанига оид “ал-Мутававал” асари Канстантиноплда Журжоний ҳошияси билан 1260/1844, 1265/1849 ва 1289/1872 йилларда нашр қилинган.

⁹³ Бу асарнинг XIX асрда кўчирилган қўлёзма нусхаси Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида № 229 инвентар рақами билан сақланмоқда.

2. Мухтасар ал-маъоний⁹⁴. Бу шарҳ “Талхис ал-мифтоҳ” асарига битилган иккинчи машҳур шарҳининг номи бўлиб, у яна “Мухтасар шарҳ Талхис ал-мифтоҳ” исми билан ҳам маълумдир.

3. Шарҳ китоб ал-Мифтоҳ⁹⁵. Ушбу асар Аллома Сирожиiddин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Саккокийнинг “Китоб ал-мифтоҳ” рисоласига ёзилган шарҳдир.

4. Шарҳ ал-қисм ас-солис мин ал-мифтоҳ⁹⁶.

Мантиқ илмига оид:

1. Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом⁹⁷.

2. Шарҳ ар-рисола аш-шамсия⁹⁸.

Арифметика ва геометрияга оид:

1. Шарҳ ар-рисола аш-шамсия фи-л-ҳисоб⁹⁹.

2. Рисола фи завоий ал-мусаллас¹⁰⁰.

3. Тасовия аз-завоя¹⁰¹.

Кўриниб турибдики, Саъдуддин Тафтазоний деярли барча фан соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган. Уларнинг ҳар бири неча-неча илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, аллома асарларидан XIV-XVI асрнинг иккинчи ярмигача Мовароуннаҳр ва унинг

⁹⁴ Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарини 1355-1356/1936-1937 йиллар орасида Ғиждувонда ёзиб тугатган. Ушбу асар Калкутта шаҳрида 1228/1813 йили, Лакнав шаҳрида 1231-1312/1816-1894 йилларда нашр қилинган.

⁹⁵ Бу асарга Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи (ваф. 878/1474 й.) форс тилида “Шарҳ мифтах ал-улум Тафтазон” номли шарҳ ёзган.

⁹⁶ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж. I. – Б. 8. Ушбу асар Тафтазонийнинг балоғат фанидан ёзган учинчи китобидир. Бу рисола 787/1385 йили Самарқандда ёзиб тугатилган.

⁹⁷ Асар 787/1385 йили Самарқандда ёзилган. Ҳожи халифа ушбу асарни мухтасар асар эканлигини таъкидлаган. Мазкур асар Калкутта шаҳрида 1243/1827 йили, Лакнав шаҳрида 1286/1869, 1288/1871, 1293/1876 йилларда нашр қилинган.

⁹⁸ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. Ж. I. – Б. 9. Бу асар Нажмуддин Али ибн Умар Қазвийний Катибийнинг мантиқ соҳасида ёзган рисоласига шарҳ сифатида ёзилган; Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20. Тафтазоний мазкур асарни Жом вилоятида 753/1352 йили ёзган.

⁹⁹ Бу асар Низомиддин Найсобурий (ваф. 710/1310 й.)нинг “ар-Рисола аш-шамсия фи ал-ҳисоб” рисоласига Саъдуддин Тафтазоний томонидан ёзилган шарҳ. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаслари Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фондида 179 инвентар рақами билан сақланади. 6^б ва 7^а бетлар; Яна ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 4697/30 ва 6425/VI инвентар рақамлари билан сақланмоқда.

¹⁰⁰ Маънавият юлдузлари. – Б. 163.

¹⁰¹ Ушбу асарнинг 1196/1782 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фондида 179/I инвентар рақами билан сақланади.

атрофидаги мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилганлиги ҳам буни яна бир марта исботлайди¹⁰².

1.3. XIV асрда Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг ўрни

Маълумки, “Аҳл ас-сунна вал-жамоа”¹⁰³ VIII асрда, Аббосийлар ҳукмронлиги даврида шаклланган. У ҳанафийлик, шофийлик, молийлик ва ҳанбалӣлик мазҳабларидан иборат.

Ҳанафий мазҳабининг “Аҳл ас-сунна вал-жамоа”даги бошқа мазҳаблардан кўра дунё бўйлаб кенг ёйилишига ва давлат мазҳаби даражасига кўтарилишига бир неча тарихий омиллар ҳам таъсир кўрсатган¹⁰⁴. Хусусан, мазҳабнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида Мисрлик ҳуқуқшунос олим Абдулҳалим ал-Жундий “Абу Ҳанифа эркинлик ва муроса қаҳрамони” (Қоҳира, ваф. 966/1559 й.) номли жуда қимматли китобида, Абу Ҳанифа мазҳаби ҳақида қуйидагидек фикр билдирган: “Ушбу мазҳаб ислом ҳуқуқининг онаси ва замонлар оша унинг манбаи бўлиб қолади. Абу Ҳанифа ҳуқуқнинг барча соҳаларида эркинлик ва муроса шиорини эълон қилди”¹⁰⁵. Шундай экан, Ҳанафий мазҳаби “Аҳл ас-сунна вал-жамоа”даги буюк ақидавӣ ва ҳуқуқӣ мактаб ҳисобланади.

Шунингдек, Имом Абу Ҳанифа шогирдлари мазҳабнинг кенг тарқалишида хизматлари катта. Имом Абу Ҳанифа 40 ёшида дарс беришни бошлади. Абу Ҳанифа шогирдларининг кўпчилиги Мовароуннаҳр ва Хуросондан бўлиб, ҳанафий мазҳабини тарқатиш йўлида тинимсиз фаолият олиб борганлар. Уларнинг кўпчилиги Абу Ҳанифанинг дарс ҳалқасида бир муддат ўтириб, ундан таълим олгандан кейин ўз ватанларига қайтиб кетар, баъзилари ҳар доим Абу Ҳанифа билан бирга бўлганлар. Муҳаммад

¹⁰² Маънавият юлдузлари. – Б. 163.

¹⁰³ Мусулмонларнинг асосий ва жумхур оммаси эътиқод ва амал қилиб келаётган ақидавӣ ва фикҳӣ мазҳабларнинг жамлама номи.

¹⁰⁴ Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабининг кириб келиши ҳақида тарих фанлари доктори А.Мўминов докторлик диссертацияси иши қилган. Қаранг: Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (асрлар): тар.фан.док.дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 46 б.

¹⁰⁵ Буюк алломаларимиз / Таҳрир ҳайати: Ҳ.С.Караматов, З.Хусниддинов, А.Мансуров ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёти”, 2002. – Б. 10.

Кардарий (ваф. 816/1414 й.)¹⁰⁶ “Манокӣб”ида домий шогирдлари сони 36 та эркак деб кўрсатилган. Улардан 28 киши қозилик ваколотиға, 6 таси фатво бериш салоҳиятиға эға эди, иккитаси, яъни Абу Юсуф ва Зуфар ҳам қозилик вазифасини бажариш, ҳам фатво бериш бўйича иқтидорли олим эди. Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдлари қуйидагилардир.

Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ал-Ансорий (113-182/731-798) Куфада, камбағал оилада таваллуд топган. Халифа ал-Маҳдий (158-168/775-785) уни Бағдод қозиси этиб тайинлаган. Халифа Ҳорун ар-Рашид (169-193/786-809) эса, унга қози ул-қуззот мансабини бериб, бутун халифаликдаги барча қозиларни тайинлаш ва қозилар қарори юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш ҳуқуқини берган. Бундай юксак мартаба Абу Юсуфга Ҳанафий мазҳаби назарий қарашларини амалиётда кенг қўллаш имконини берган, бу эса, ҳанафийлик мазҳабининг тарқалиши ва мустаҳкамланишиға хизмат қилган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (131-189/749-805) Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Восит шаҳри(Ироқ)да мавло оиласида туғилган. У Бағдоднинг энг эътиборли фақиҳларидан бириға айланган. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг янги пойтахт – Макка шаҳри қозиси этиб тайинлайди. Муҳаммад Шайбоний фикҳға оид “ал-Мабсут” (“Китоб ал-асл фи-л-фуруъ”) тўпламини тузган ва унга “Китоб аз-зиёдат”ни қўшимча қилган. Фикҳға доир “Китоб ал-жомеъ ал-кабир”, “Китоб ал-жомеъ ас-сағир” асарларни ёзган.

Абу Ҳанифанинг бу икки шогирди ундан кейин хайрли ишларини давом эттириб, замоналаридаги олимларға устозлик қилишди. Уларнинг исмлари устозлари Абу Ҳанифа исмлари билан доимо бирға зикр қилинади. Абдулҳалим ал-Жундий “Абу Ҳанифа эркинлик ва мурса қаҳрамони” (Қоҳира, 966/1559 й.) номли китобида: “Бу икки шогирд – Абу Юсуф ва Муҳаммадлар Абу Ҳанифанинг етук шогирдларидан бўлиб, тарихда Абу

¹⁰⁶ Олимнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шайхоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад ал-Кардарий ал-Баззозий бўлиб, 729/1329 йилда кўҳна Хоразмнинг Кардар вилоятида туғилган. Муҳаммад Кардарий ханафий мазҳаби йирик фақиҳларидан бўлиб, асарларидан энг машҳури “ал-Важиз”дир. Мазкур асар “ал-Фатова ал-Баззозия” номи билан машҳур. Ушбу китоб Амир Темур ва темурийлар даври ханафийлик фикҳи бўйича муҳим манбаларидан бири ҳисобланади.

Ҳанифанинг асҳоблари номи билан машҳур бўлганлар”, деган. Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний Молик ибн Анас (95-179/713-795)дан ҳам таълим олган ва ўз навбатида Имом Муҳаммад ибн Идрис Шофий (150-204/767-820)га устозлик қилган, Имом Шофий эса Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164-241/780-855)га таълим берган. Демак, тўрттала мазҳаб Имом Муҳаммад орқали бир-бирларига боғланади.

Зуфар ибн Ҳузайл (110-158/728-775) ҳам Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бўлиб, ҳадис илмида жуда пухта эгаллаган бўлиб, ҳадисларни саралашга ниҳоятда моҳир эди. Бирон масалага ҳужжат сўралса, тўхтамасдан, дарҳол далил келтириш қобилиятига эга эди. Абу Юсуф, Муҳаммад Шайбоний ва Зуфар ҳанафий мазҳабининг мустақил мазҳаб сифатида шаклланишида, ривожланишида ва дунёга машҳур бўлишида улкан ҳисса қўшган мужтаҳид олимлардир¹⁰⁷.

Ҳасан ибн Зиёд ал-Луълуий (116-203/734-819) бўлиб, Абу Ҳанифа вафотидан сўнг Абу Юсуф ва Муҳаммадларда таълим олди. У Абу Ҳанифадан нақл қилинган “Ал-Мужаррад”, “Адаб ал-Қозий” (“Қозининг одоби”), “Нафақалар”, “Фароиз” (“Мерос илми”), “Хислатлар” каби китобларини ёзиб тугатди. Имом Аъзамнинг ўғли Ҳаммод ҳам шогирдларидан биридир. Абу Ҳанифа ўз фарзандининг ниҳоятда одобли ва ахлоқли қилиб тарбиялаб, етук олим, фозил пешво даражасига чиқишига сабабчи бўлган. Ҳаммод аввал Куфа шаҳрида, сўнгра ва ундан кейин Басра шаҳарларида қозилик мансабида ишлаган¹⁰⁸.

Шуни таъкидлаш керакки, Имом Аъзам асос солган ҳанафий мазҳабининг давлат мазҳаби даражасига кўтарилиши, тараққий этиши ва кенг тарқалишида мазкур олимлардан ташқари ҳам кўплаб олимлар улкан хизматлар қилганлар.

Маълумки, Хуросон ва Мовароуннаҳр Умавийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида фатҳ қилинган. Кейинчалик, ҳанафий мазҳабининг

¹⁰⁷ Абдурашид қори Баҳромов. Имоми Аъзам асарлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 23.

¹⁰⁸ Абдурашид қори Баҳромов. Имоми Аъзам асарлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 123-126.

мазкур ҳудудларга кириб келиши ва кенг ёйилишига юқорида келтирилган омиллар таъсир кўрсатган¹⁰⁹. Лекин, Ислом дини Хуросон ва Мовароуннаҳрга кириб келгунгача ҳам шаҳарларда илм-фан, хунармандчилик, амалий санъат юксак ривож топган ва Ўрта Осиёнинг йирик илмий ҳамда маданий марказларидан бўлган. Бу эса, кейинчалик мазкур минтақаларнинг Ислом илмлари бўйича ҳам етакчи ҳудудлардан бўлишида муҳим аҳамият касб этган.

Айни пайтда Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби етакчи бўлган. Бу ерда ҳам Абу Ҳанифанинг бевосита шогирдлари фаолият олиб борган. Натижада, “Мовароуннаҳр ҳанафий мактаби” шаклланган¹¹⁰. Бу мактабдан кўплаб ҳанафий олимлари етишиб чиққан. Жумладан, “Имом ал-ҳудо”, “Имом ал-мутакаллимин” (“Ҳидоят йўли имоми”, “Мутакаллимлар имоми”) номлари билан улуғланган Абу Мансур Мотуридий ҳам мазкур мактабнинг буюк вакилларида ҳисобланади. Алломанинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, 257/870 йили Самарқанднинг Мотурид қишлоғи (ҳозирги Жомбой тумани)да таваллуд топган. У ёшлигидан илм олишга иштиёқи баланд бўлган. Кўплаб маҳаллий ҳанафий олимлардан таълим олган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абу Мансур Мотуридий илм олиш шажараси устозлари силсиласи орқали Абу Ҳанифага боғланади¹¹¹. Шу тариқа Имом Мотуридий Абу Ҳанифанинг йирик издошларидан ва мазҳаб ақидасининг буюк олимларидан бири бўлди. Имом Мотуридий кўплаб асарлар ёзган¹¹². “Китоб ат-тавҳид” (“Яккахудолик ҳақидаги китоб”), “Таъвилот аҳл ас-сунна”

¹⁰⁹ Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабининг кириб келиши ҳақида тарих фанлари доктори А.Мўминов докторлик диссертацияси иши қилган. Қаранг: Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тугган ўрни ва роли (асрлар): тар.фан.док.дис...автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 46.

¹¹⁰ Қаранг: Окилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 31-32; Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар: монография / И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 7.

¹¹¹ Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (ваф. 150/769 й.)нинг шогирдлари ал-Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (ваф. 189/805 й.) ва Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжоний (ваф. 200/816 й.)лардан аш-Шайх ал-Факих Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний (ваф. 200/816 й.) таълим олган бўлиб, ундан Абу Мансур Мотуридий таълим олган. Қаранг: Окилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 72-75.

¹¹² Қаранг: Алимов У. Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008. – Б. 63-66.

(“Суннийлик анъаналари шарҳи”) каби асарлари шулар жумласидан хисобланади. Абу Мансур Мотуридий 333/944 йили Самарқандда вафот этган ва васиятига кўра, Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн этилган.

XIV асрда, яъни Аллома Тафтазоний яшаган даврда ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳанафийлик фикҳи ва ақидаси етакчи мавқеда бўлган. Чиғатой авлодлари ҳукронлиги даврида ҳам мазкур ҳудудларда ҳанафийлик мазҳаби устувор ҳолатда эди.

Маълумки, тинч-тотувлик бўлган жойда ривожланиш ва таракқиёт бўлади. Мана шу жиҳатдан, Амир Темурнинг марказлашган йирик давлат барпо этиши ва Самарқанд шаҳрини пойтахтга айлантириши ўша даврда жуда катта тарихий жараён бўлган. Амир Темур Самарқанд шаҳрига кўплаб турли илм соҳалари бўйича олимларни тўплаган ва уларнинг илм-фан билан шуғулланишларига шароитлар яратиб бериб, ўзига хос академияга асос солган. Мазкур олимлар қаторида ҳанафий мазҳабининг йирик уламолари ҳам бўлиб, улар мадраса ва давлат мансабларида фаолият олиб борганлар. Мўғуллар давридан кейин, Амир Темур даврида исломга давлат дини мақомининг қайтарилиши янги уламолар табақаларининг шаклланишига олиб келди¹¹³. Шунингдек, бу ҳолатни Хуросон ва Мовароуннаҳрда мазкур даврда яшаб ижод этган ҳанафий мазҳабининг кўплаб маҳаллий йирик олимлари фаолиятларида ҳам кўриш мумкин.

Бу даврда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган йирик олимларидан куйидагиларни алоҳида таъкидлаш керакки, улар ҳанафийлик мазҳабининг йирик намоёндаларидан бўлишлари билан бир қаторда, мотуридия таълимоти бўйича ақоид илмига атаб алоҳида асарлар ёзганлар.

1. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Ҳофизиддин Абул Баракот ан-Насафий (ваф. 710/1311 й.). “Ал-Умда” номли асари матуридия таълимотига асосида ёзилган. Бу асарига ўзи “ал-Эътимод фи ал-эътиқод” (ёки “ал-

¹¹³ Алимов У. Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008. – Б. 59.

Иътимод фи шарҳи-л-Умда” (“ал-Умда” шарҳига суяниш)) деб номланган шарҳ ёзган. Асарни 698/1299 йилда ёзиб тугатган¹¹⁴.

2. Ал-Ҳасан ибн Али Ҳажжож ибн Али Ҳисомиддин ас-Сигнакий (ваф. 710/1310 й.) Бухоро ҳанафий фикҳ мактабининг ёрқин вакилларида хисобланган. Фикҳ илмини Ҳофизиддин ал-Бухорийдан ўрганган.

3. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа Умар. Олимнинг бизгача калом илмига оид “Таъдил ал-улум” номли асари етиб келган. Икки қисм ва еттита мавзудан иборат бўлган ушбу асарнинг биринчи қисми мантиқ илмига оид бўлса, иккинчи қисми бевосита ҳанафий-мотуридия ақидавий таълимотига бағишланган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд 750/1350 йили Бухорода вафот этган¹¹⁵.

4. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний 740/1339 йили Астробод яқинидаги Тоғу (Тоғу) қишлоғида туғилган. Соҳибқирон Амир Темур таклифи билан Самарқандга келган ва саройида яшаб ижод этган йирик муфассир, мутакаллим, муҳаддис, шоир ва астроном. Шероздаги “Дор аш-шифо” мадрасасида 10 йил мударрислик қилган, Олтин Ўрдада узоқ муддат яшаб, Жонибек даври (741-758/1341-1357)да йирик аллома сифатида шуҳрат қозонган, мазкур хонга атаб араб тили грамматикасига доир “Мутаввал” асарини ёзган. 789/1387 йили Амир Темур Шерозни забт этгач, уни Самарқандга олиб келган. Олим Самарқандда бутун Мовароуннаҳр олимлари раҳбари даражасига кўтарилган. У бу ерда мударрислик қилиш билан бирга араб ва форс тилларида илми калом, фалсафа, мантиқ, наҳвга доир кўплаб рисолалар ёзган. “Ал-Усул ал-мантиқия”, “Таржумон ал-Қуръон”, “Фанн ал-муаммо ва усул ва тасориф бафорсий” каби асарлари

¹¹⁴ Олимнинг мазкур асари мотуридийлик эътиқодига бағишланган бўлиб, “Умдат ал-Ақоид” (Ақидалар асоси) ёки “Умдат ақидат аҳл ас-сунна вал-жамоа” (Аҳл ас-сунна вал-жамоа ақидасининг асоси) ёхуд “ал-Умда фи усул ад-дийн” (Дин асослари ҳақидаги асос) деб аталган асари, Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” рисоласи асосида яратган ва унда баён этилган қарашларни янада ривожлантирган. Шунинг учун ҳам “ал-Умда” мавзулари ва мавзулар кетма-кетлиги Абу Ҳафс ан-Насафийнинг асари билан деярли бир хил. “ал-Умда” билим таърифидан бошланиб, халифалик масаласи билан тугайди. Абу-л-Баракот ан-Насафий “ал-Умда” асари мукаддимасида асарни қисқа эканини таъкидлаб, уни сўрагувчиларнинг илтимослари учун, уларни ботил фиркалар эътиқодидан сақлаш мақсадида ёзганини қайд қилиб ўтган. Асарда ҳар бир ақидавий мавзу фаслларга ажратиб баён этилган бўлиб, у мукаддима билан бирга 20 та фаслдан иборат.

¹¹⁵ Оқилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 106.

шулар жумласидандир. У Амир Темур вафотидан кейин Шерозга қайтиб кетиб, 816/1413 йилда ўша ерда вафот этган¹¹⁶.

5. Ҳизр Чалабий (810-863/1408-1459). Олимнинг тўлиқ исми Ибн Жалолиддин Ҳизр бий бўлиб, калом илмига оид “ал-Қасида ан-нуния фи ал-ақоид” номли асари билан шуҳрат қозонган¹¹⁷.

6. Бу даврда ижод этган ҳанафий мазҳабининг йирик олимларидан яна бири Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ҳанафий бўлиб, у Аллома Тафтазонийнинг шогирдларидан ҳисобланади. Алоуддин Бухорий айни пайта Нақшбандия тариқатининг йирик вақлларида бўлиши билан бир қаторда фикҳ, ақоид ва бошқа шу каби илмларнинг етук олим бўлган¹¹⁸.

7. Яъқуб Чархий Усмон ибн Муҳаммад тахминан 764/1363 йили Ғазнадаги Чарх қишлоғида таваллуд топган. Чархий бошланғич таълимни аввал Чархда, сўнг Ғазнада олгандан кейин 762/1380 йили Ҳиротдан Бухорога келади. Бухорода у Баҳоуддин Нақшбанд (718-791/1318-1389) билан учрашади, Чархийни муридликка қабул қилиб, зикр айтиш қоидасидан таълим беради. У Нақшбанд вафотидан сўнг Бадахшонда, сўнг Алоуддин Аттор (ваф. 802/1399 й.) таклифи билан Чағониёнда яшади. Аттор вафотидан сўнг то умрининг охиригача Ҳалғату қишлоғида (Душанбе яқинида) яшаб, ўз асарлари ва фаолияти билан нақшбандия тариқатининг йирик шайхларидан бўлиб, мазкур тариқат ривожига улкан ҳисса қўшган ва 851/1447 йили Душанбеда вафот этган.

Аллома Тафтазоний ҳам Яъқуб Чархий ҳузурига бориб, қўл берган¹¹⁹.

Яъқуб Чархий нафақат тариқат муршиди, балки етук олим ҳам бўлиб, ақоид, тасаввуф, фикҳ, тафсир ва давлатчиликка оид асарлар ёзган. У ўз ҳаёти давомида 10 га яқин рисола ёзгани ҳақида манбаларда маълумот келтирилган. Лекин, улардан қуйидагилари ҳозирда маълум: “Рисолаи

¹¹⁶ Лакнавий, Муҳаммад Адулхай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожим ал-ханфия. – Кохира: Дор ал-китоб ал-исламия, 1324/1906. – Б. 125-134.

¹¹⁷ Окилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 106.

¹¹⁸ Абдулхусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 65.

¹¹⁹ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 116.

қудсия”, “Рисолаи абдолия”, “Шарҳи асмоуллоҳ”, “Рисолаи унсия”, “Тафсири Чархий”, “Китоб ал-фароиз”, “Рисола дар маноқиб ва ақоид”.

9. Имом Фасихуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Марвазий 759/1358 йили туғилган. Ҳанифий мазҳаби етакчиси ва фикҳ бўйича имомларнинг бошлиғи бўлган¹²⁰.

10. Тасаввуф илмининг Нақшбандия мактаби ислом оламига мутасаввиф шайхлар билан бир қаторда етук олимларни ҳам етиштириб берган эди. Ана шундай зотлардан бири Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорийдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий бўлиб, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганган ва замонасининг забардаст кишиларидан бири бўлиб етишган. У Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган.

Хожа Муҳаммад Порсо нафақат валиуллоҳ, балки ўз даврининг йирик олимларидан эдики, у турли илм соҳалари бўйича кўплаб асарлар ёзган. Жумладан, қуйида асарлари бугунги кунгача сақланиб қолган:

1. “Рисолаи қудсия” (“Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималари ҳақидаги рисола”).
2. “Муқаддима ли-Жомиъ ал-калим” (“Жомиъ ал-калим” китобига муқаддима”).
3. “Таҳқиқот” (“Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола”).
4. “Тафсири Қуръон” (“Қуръон тафсири”).
5. “Ал-ҳадис ул-арбаъуна” (“Қирқ ҳадис”).
6. “Рисола дар одоби мурид” (“Мурид одоблари ҳақида рисола”).
7. “Рисолаи кашфия” (“Кароматлар ҳақида рисола”).
8. “Рисолаи маҳбубия” (“Дўстлик ҳақида рисола”).
9. “Шарҳи “Фикҳи Кайдоний” (“Фикҳи Кайдоний” асарининг шарҳи”).

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Ҳафтоду ду фирқа” (“Етмиш икки фирқа”) ва “Эътиқодот” (“Эътиқод ҳақида рисола”) асарлари ақоид илмига оиддир.

¹²⁰ Фасих Ахмад ибн Джалал ад-Дин Муҳаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – Т.: Фан, 1980. – С. 88.

Хожа Муҳаммад Порсо Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб, 72 ёшида (ваф. 823/1420 й.) Мадинада вафот этади¹²¹.

Хулоса қилиб айтганда, XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда Ҳанафий мазҳаби кенг тарқалган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ислом динининг қайта давлат дини мақомига кўтарилиши жуда катта тарихий воқеа бўлди. Бунда эса, Хуросон ва Мовароуннаҳрдан ҳанафийлик мазҳаби олимларининг кўплаб етишиб чиққанлиги ва уларнинг илмий ва давлат мансабларидаги фаолиятлари муҳим аҳамият касб этган.

¹²¹ Маънавият юлдузлари. – Б. 183-185.

II Боб. “ШАРҲ АЛ-АҚОИД АН-НАСАФИЯ” АСАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ЎРГАНИЛИШИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари қўлёзмалари ва уларнинг чоп этилиши

Абу Ҳафс Умар Насафий ҳанафийлик мазҳабининг йирик олимларидан ҳисобланади. Олимнинг тўлиқ исми Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Луқмон ан-Насафий ас-Самарқандий бўлиб, 461/1068 йили Насафда туғилган¹²². У калом, фикҳ, ҳадис, тафсир, нахв, сарф, тарих ва бошқа кўплаб илм соҳалари бўйича ўз замонасининг йирик қомусий олимларидан бири бўлганлиги манбаларда эътироф қилинган¹²³. Олим ёшлигидан илм олишга иштиёқи кучли бўлган. Шу мақсадда кўплаб олимлардан турли илм соҳалари бўйича таълим олган. Бу хусусида ўзининг “Таъдод шуюх ли-Умар” асарида баён қилган. Устози Садр ал-Имом Абулюср Муҳаммад Паздавийдан (421-493/1030-1099)¹²⁴ фикҳ илмини ўрганган. Шунингдек, Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий каби олимлардан ҳам таҳсил олган¹²⁵.

Аллома ўзи илм ўрганиши билан бир қаторда кўплаб шогирдларига ҳам таълим берган. Шогирдларидан алломанинг ўғли Абу Лайс Аҳмад ибн Умар (ваф. 593/1197 й.) ва Абу Бакр Аҳмад ал-Балхийларни келтириш мумкин. Абу Ҳафс Умар Насафий турли илм соҳаларига бағишланган юздан ортиқ асарлар

¹²² Буюк аждодларимиз Абу Ҳафс Насафий / Д.Раҳимжонов; масъул муҳаррир З.Исломов; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: Тошкент ислом университети нашрёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 9.

¹²³ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 21.

¹²⁴ Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Паздавий Ҳанафий мазҳаби йирик олимларидан, муҳаддис ва факих. Насаф вилоятидаги Базда (Пазда) қалъасида туғилган; кўплаб шогирдлар етиштирган. Аллома фикҳга доир олти асар муаллифи.

¹²⁵ Буюк аждодларимиз Абу Ҳафс Насафий / Д.Раҳимжонов; масъул муҳаррир З.Исломов; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: Тошкент ислом университети нашрёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 16-17.

ёзган¹²⁶. Машхур асарларидан “ал-Манзумот ан-Насафийя фил-хилофиёт” (“Келишмовчиликлар борасида Насафийнинг назмий асари”) ¹²⁷, “Ақоид ан-Насафий” (“Насафий ақоиди”), “ал-Явоқит фил-мавоқит” (“Қулай вақтлар хусусида ёқутлар”) ¹²⁸, 3 китобдан иборат “Тайсир фит-тафсир” (“Тафсир этишдаги қулайликлар”), “Рисолаи Нажмийа” ¹²⁹, “Тарихи Бухоро” (“Бухоро тарихи”) ва “ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин) китоб”) ¹³⁰ кабиларни келтириш мумкин.

Абу Ҳафс Умар Насафий 76 ёшида 537/1142 йилда вафот этган ¹³¹.

Олим калом илмига оид ягона “Ақоид ан-Насафий” асарини ёзган бўлсада, ҳанафийлик мазҳаби бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади. Европалик тадқиқотчилардан В.Куретон XIX асрнинг биринчи ярмида унга атаб “Суннийлар диний таълимотининг устуни” номли тадқиқотини ёзди ¹³².

Абу Ҳафс ан-Насафий калом илмида Имом ал-Мотуридий анъаналарини давом эттирди ва унинг таълимотини ихчам, қисқа шаклга келтириб, ал-Мотуридияни кенг ёйишга хизмат қилди ¹³³. Мазкур асар таркибий жиҳатдан муайян бобларга ажратилмаган. Асарда билиш назарияси, билим ҳосил бўлиш воситалари, борлиқ тушунчаси, борлиқнинг таркибий қисмлари, борлиқни пайдо қилувчиси, тавҳид, имон, Аллоҳ таолонинг сифатлари, қабр, жаннат, дўзах, анбиё, авлиё, раҳбар, халифалик каби ақидавий масалалар

¹²⁶ Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 10.

¹²⁷ Алломанинг бу асари фикҳга оид бўлиб, унга Алоуддин Абулмужоҳид Муҳаммад Самарқандий (ваф. 551/1157 й.) “Хаср ал-масоил ва каср ад-далойил” (“Масалаларнинг чеклангани ва далиллар касри”) деб номланган шарҳ ёзган.

¹²⁸ Асар Шариат қонунлари ва Қуръони карим тафсирига оид.

¹²⁹ Бу асар тасаввуфга оид.

¹³⁰ Қаранг: Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003.

¹³¹ Буюк аждодларимиз Абу Ҳафс Насафий / Д.Раҳимжонов; масъул муҳаррир З.Исломов; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: Тошкент ислом унверситети нашрёт-матбаа бишлашмаси, 2010. – Б. 9.

¹³² Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 10.

¹³³ Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 17-18.

баён қилинган. Шу билан бир қаторда турли хил низоларга сабаб бўлган махсига масх тортиш, гуноҳкор одамнинг орқасида намоз ўқиш жоизлиги, хурмо шарбатини (набиз) ичиш ҳукми ҳақидаги айрим фикҳий масалаларга ҳам эътибор қаратилган. “Ақоид ан-Насафий” асарининг бир неча қўлёзма нусхалари Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси қўлёзмалар фондида сақланмоқда¹³⁴.

“Ақоид ан-Насафий” асари мотуридия таълимоти бўйича энг машҳур китоблардан ҳисобланади ва у кўплаб олимлар томонидан шарҳ қилинган¹³⁵. Машҳур шарҳлардан қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. “Шарҳ ал-ақоид”. Шамсуддин Абу ас-Саноий Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Исфажоний (ваф. 749/1348 й.).
2. “Ал-Қалоид алол-ақоид”. Шайх Жамолуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд ат-Тунавий (ваф. 770/1369 й.).
3. “Ал-Қавл ал-Вофий ли шарҳ ақоид ан-Насафий”. Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Зайнуддин Абулъадл Қосим.
4. “Ад-Дуррат”. Шайх ибн Ҳазм ал-Андалусий.
5. “Ҳалл ал-маоқид фи шарҳ ал-ақоид”. Шайх Муллазода Аҳмад ибн Усмон Ҳаравий Хайразионий (ваф. 900/1495 й.).
6. “Ал-Фавоид ал-Қодирия фи шарҳ ал-ақоид ан-насафия”. Абдулқодир ибн Абунносир Муҳаммад Идрис ибн Муҳаммад Маҳмуд.

Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асарига ёзилган шарҳлар ичидаги энг машҳури Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ҳисобланади. Аллома уни 768 шаъбон/1367 йил апрель ойи Хоразмда ёзган¹³⁶. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”ни ёзишдаги асосий мақсадларидан бири олдин юзага келган баъзи ақидавий оқимларнинг ўша пайтдаги фаолияти натижасида авж олган

¹³⁴ Абу Ҳафс ан-Насафий. Ақоид ан-Насафий. Қўлёзма. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фонди. Инв. № 107/VIII. – В. 151⁶ – 158⁸; Ўша асарнинг бошқа қўлёзмаси. Инв. № 61/1.

¹³⁵ Аллоқулов А. “Ақоиду-н-насафий” ва унга ёзилган шарҳлар // Имом ал-Бухорий сабоклари журнали. – 2009. – № 2. – Б. 156-158.

¹³⁶ Шарҳ ал-ақоид маъа жамъ ал-фароид. Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган. – Б. 11.

ақидавий ихтилофларга барҳам бериш, муътазила¹³⁷ ва карромия¹³⁸ каби фиркалар билан “Аҳл ас-сунна вал-жамоа” орасидаги ихтилофли масалаларни Қуръон ва суннат асосида далиллар келтириб бартараф қилиш бўлган. Шунингдек, Саъдуддин Тафтазоний яшаган даврда ҳам фаолият юритган “Ақоид ан-Насафий” асарида келтирилган “сўфастойлик”¹³⁹ каби ўзларининг нотўғри қарашлари билан ислом ақидасига аралашшишга ҳаракат қилган турли фалсафий оқимлар фикрларига ақлий ва фалсафий далиллар асосида раддиялар беришган қаратган. Яна аллома асарида ўша пайтда ҳам кенг тарқалган брахманлик, ҳиндуийлик каби динлардаги баъзи қарашларга эътибор берган ва уларни мавзуга тааллуқли ўринларда келтириб уларнинг ғоялари нотўғрилигини ақлий ва фалсафий далиллар асосида исботлаган. Саъдуддин Тафтазоний шарҳлашдан кўзлаган мақсадларидан яна бири давр тақозоси билан “Ақоид ан-Насафий” асаридаги чигал сўз ва иборали гапларни тушунарли, қисқа равишда шарҳлаш ва матнни Қуръони карим, суннат ҳамда ақлий далиллар билан қувватлаш бўлган.

“Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” китоби таркибий тузилиши жиҳатидан эски кўлёзма нусхаларида боб ва фаслларга ажратилмаган бўлса-да, асосий матнни шарҳдан ажратиб кўрсатиш мақсадида унинг устига турли хил рангдаги (асосан қизил, қора ва кулранг) чизик тортилган ва шундан сўнг бевосита шарҳлашга киришилган. Саъдуддин Тафтазоний асар шарҳига

¹³⁷ Муътазила арабча – ажралиб чиққанлар, узоклашганлар деган маънони билдиради. VIII аср биринчи ярми, Уммавийлар ҳукмронлиги даврида вужудга келган ислом динидаги ақидавий оқимларидан бири. Асосчилари Восил ибн Ато (80-130/699-748) ва Амр ибн Убайд (ваф. 145/762 й.) ҳисобланади. Улар гуноҳи кабира қилган мўмин киши ҳукми масаласида устозлари Ҳасан ал-Басрий (ваф. 109/728 й.) билан ихтилофга борган ва мактабидан ажралиб чиққан.

¹³⁸ Карромийлар IX-XIII асрларда Бағдод халифалигининг марказий ва шарқий вилоятларида тарқалган ақидавий оқим. Асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (190-255/806-869). Сейистонда туғилган, Нишопур, Балх, Марв, Ҳирот каби шаҳарларда таълим олган. Сейистон ва Хуросонда ўз таълимотини тарғиб қилгани учун зиндонга ташланган. Қуддусда вафот этган. Карромийнинг фикрича худо – бутун борлиқнинг бирламчи асоси, у муайян жисмга эга. Худо – барча нарсаларнинг яратувчиси, аммо инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади. Муътазилийлар каби Карромийлар ҳам инсон онги мустақил равишда, яъни ваҳий ёрдамисиз, яхшилик ва ёмонликни фарқ қилишга қодир, деб ўқтирдилар. Шунингдек, муржибийлар сингари Карромий бирор инсонни мусулмон деб тан олиш учун у “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини тил билан эътироф этса кифоя, дил билан тасдиқлаш ва амалларни бажариш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Ибн Карромнинг “Китоб ас-сирр” ва “Азоб ал-қабр” номли (бизгача етиб келмаган) асарлари ва “худо жисмга эга” деган тушунчаси ислом уламоларининг кескин танқиди ва таъқибига учраган. Мўғуллар истилосидан сўнг Карромийлик барҳам топди.

¹³⁹ Фалсафадаги Софистика оқими. Қаранг: Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 377.

киришишдан олдин муқаддима ёзган¹⁴⁰. Лекин, асарнинг нашр қилинган эски ва замонавий нусхаларида асосий матн қавс, чизикча, қўштирноқ ва харфларни йирик қилиб ёзиш каби турли шакллардан фойдаланиб берилган. Баъзи нашрларда эса, матннинг асосий мавзулари мундарижа қилиниб нашр қилинган.

Асарни шарҳ қилиш услуби жиҳатидан эса, ўзига хос йўл тутилган. Яъни, асосий матндаги сўз, ибора ва гап келтирилиб, уларга алоҳида таъриф берилган. Агар асосий матнда ибора ва атамалар келтирилган бўлса, уларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари берилган. Керакли ўринларда сўз ва ибораларни шарҳлаш учун мисоллар асосида мақсад кўрсатилган. Баъзан, маълум бир масала ўрганиладиган бўлса, дастлаб у кучли нақлий ва ақлий далиллар билан ёритилган ва мазкур масалада нотўғри фикр ва мавқеда турган ислом динида мавжуд бўлган оқимлар билан бир қаторда бошқа таълимот ва дин вакиллари номлари ҳамда уларнинг қарашлари ҳам келтирилган. Баъзан эса, муайян масала келтирилиб, бу масала юзасидан билдирилган фикрлар учинчи шахс номидан “айтилди”, “айтилади” ва “ривоят қилинади” каби мажҳул нисбатда қўлланилади. Лекин, мазкур фикрлар кимга тегишлилиги айнан келтирилмаган бўлса-да, аслида бу қарашлар эътибор билан ўрганилганда муайян фирқа ёки шахс томонидан айтилганлиги маълум бўлади. Бу ҳолатга асарни ўрганиш давомида кўп дуч келинади. Шунингдек, “бизга хабар қилди” шаклида ҳам фикрлар келтирилади. Баъзан, аллома муайян масала юзасидан олимларнинг фикрини ўша олим исми ва унинг асарини ёнма-ён шаклда келтириб баён этган.

Бошқа ўринда шарҳланаётган масала юзасидан учинчи шахс номидан савол қўйилади. Аллома хулоса ўрнида ўз фикрини ифодалашда эса, “бизнинг қарашларимиз”, “биз айтдик”, “жавоб” шакли каби услублардан фойдаланган. Умуман, Саъдуддин Тафтазоний матнни ихчам шаклда шарҳлашга асосий эътиборни қаратган бўлиб, бу ва келтирилган

¹⁴⁰ Изоҳ. Биз мазкур тавсифни асарнинг Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси қўлёзмалар фондида сақланаётган № 175 ивентар рақамли қўлёзма нусхаси асосида баён қилдик. Мазкур қўлёзма ҳақида кейинги ўринларда тўлиқ кодикологик маълумот берилади.

далилларнинг кучли ҳамда ишонарлиги боис ҳам олимнинг асари такрор-такрор нашр қилиниб, бугунги кунда ҳам дунёнинг турли минтақаларида кунт билан ўрганилмоқда.

Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига ёзган муқаддимасида дастлаб “калом” атамасининг келиб чиқиши, шаклланиш босқичлари, юнон файласуфларининг китобларини араб тилига таржима қилиниш сабаблари, ислом фалсафаси билан калом илмини қоришиб кетиш жихатлари, турли оқимларни келиб чиқиш сабаблари, Абу ал-Ҳасан Ашъарий (260-324/873-935)нинг муътазила фирқасидан ажралиб, Аҳли сунна вал-жамоа таълимотига асос солганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг мазкур асарида ақоид илмига қуйидагича таъриф берилган: “Калом илми бу – диний ақидаларни ишончли далиллар билан билиш илмидир”.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” китобининг қадимий қўлёзма нусхалари дунё бўйлаб жуда ҳам кўп кўчирилган ва кенг тарқалган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фондида “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” ва унга ёзилган шахр ҳамда ҳошияларнинг турли даврларда кўчирилган ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда.

Жумладан, қуйида “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”нинг Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фондидаги энг қадимий қўлёзма нусхасининг кодикологик таҳлили келтирилади:

175 инвентар рақамли қўлёзма мажмуа ҳисобланиб, унда “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” ва Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий (ваф. 860/1456 й.) томонидан ёзилган “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”нинг ҳошияси жойлашган. Мажмуа бир юз йигирма тўрт варақдан иборат бўлиб, шундан 1^а - 3^а, 71^а - 73^а ва 124^а-124^б қайд варақлари ҳисобланади.

175/І инвентар рақамли қўлёзма нусха. Қўлёзма шарқ қоғозига настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, нусханинг ҳошияларига, сатр оралиғига матн бўйича кўплаб тўлдириш ва изоҳлар киритилган. Шарҳланаётган сўз ва

жумлалар устига қизил ҳамда қора чизиклар чизиш орқали ажратиб кўрсатилган. Шунингдек, баъзи ўринларда асосий матн устига қора чизик белги сифатида чизилиб унга ҳошияда изоҳ ва қўшимчалар ёзилган.

Асосий матн зарҳал жадвалга олинган. Ҳошиялар ҳам ўз навбатида жадвалга олинган. Саҳифалар пойгирларланган.

Мазкур асар 1008 йил Зул-ҳижжа/1600 йил июнь ойида котиб Ҳожи Муҳаммад Мулло Султон Али ас-Самарқандий томонидан кўчирилган.

Баъзи саҳифаларда матнга оид тўлдириш ва изоҳлар турли йўналишда аралаш берилган бўлиб, уларнинг сарлавҳа (мабҳас)лари қизил рангли сиёҳда ёзилган.

Басмаладан сўнг:

الحمد لله المتوحد بجلال ذاته وكمال صفاته المقدس في نعوت الجيروت عن شوائب النقص وسماته و
الصلوة على نبيه محمد المؤيد بساطع حججه و واضح بنياته وعلى آله وأصحابه هداة طريق الحق وحماته و
بعد...

Охири:

قد انتهت كتابه شرح العقائد بعون الملك الوهاب على أحقر عباد الله البارى الحاجى.

Колофон:

محمد بن ملا سلطان على فى آخر شهر ذى الحجة غفر الله ذنوبهما و ستر عيوبهما.

Нуқсони: Китоб бошидаги “басмала” қирқиб олинган¹⁴¹.

68 варақ (3⁶-70⁶). С-15. мў-7,5х14,5. қў-17х24.

175/II инвентар рақамли қўлёзма нусха. Бу “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига ёзилган ҳошиядир. Қўлёзма шарқ қоғозига настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, нусханинг ҳошияларига сатр оралиғига матн бўйича кўплаб тўлдириш ва изоҳлар киритилган. Шарҳланаётган матн “قوله” сўзидан кейин келтирилган ёки устига қизил рангдаги чизик тортилган. Асосий матн зарҳал жадвалга олинган. Ҳошиялар ҳам ўз навбатида жадвалга олинган. Саҳифалар пойгирланган.

Баъзи саҳифаларда матнга оид тўлдириш ва изоҳлар диагонал ва горизонтал йўналишда аралаш берилган бўлиб, уларнинг сарлавҳа

¹⁴¹ Қаранг: 1-илова.

(мабҳас)лари қизил рангли сиёҳда ёзилган. Қўлёзманинг унвони мавжуд бўлиб, у кўк, жингарранг, қора, яшил, тилла ранг бўёқлардан фойдаланилган ва нақшинкор шакл ҳамда гуллар билан безатилган.

Мазкур қўлёзма асар 1008 йил Зул-ҳижжа/1600 йил июнь ойида котиб Ҳожи Муҳаммад Мулло Султон Али ас-Самарқандий томонидан кўчирилган.

Басмаладан сўнг:

قال الشارح التحرير عامله الله تعالى بلطفه الخطير بعد ما يتمن بالتسمية الحمد لله أقول فى عقيب التسمية بالتهميد اقتداء بأسلوب الكتاب المجيد و عمل بما شاء و الامتثال بحواشى الابتداء و ما يتوهم من...

Охири:

قبل الوصول إلى شط النهر اشق و إدخال فى الإخلاص فيكون أفضل وقد قال عليه السلام أفضل الأعمال أحمرها إن قلت للملائكة فى مقابلة البشر صفات فاضلة يضمحل فضل العمل فيجنبها قلت هذا الإدعاء مما لا يقبل في حق الأبناء وبه يظهر أن هذا الوجه أيضا يفيد تفضيلهم فقط إن الفضل منك بيد الله يؤتيه مناسبا ذو الفضل العظيم.

Нуқсони: 120^адан 124^б бетигача саҳифада асосий матннинг сўнги уч сатр устига тушган доғлар мавжуд.

50 ыарак (73^б-123^б). С- 15. мў-7,5x14,5. қў-16,5x24.

Қўлёзма муқоваси қалин картондан, устига жигарранг чарм қопланган. Муқова гулли қавариқ саҳҳоф тамғалари билан безатилган. Муқованинг таяки ва дастакилари чармдан ишланган. Қўлёзма биринчи ҳамда сўнгида саҳифаларида турли даврларда босилган муҳрлар мавжуд. Китоб бошидаги ва охиридаги муқованинг ички томонида, 1^б ва 70^б бетларида муҳр босилган. Босилган муҳрлар сони саккизта бўлиб, китоб бошидаги ва охиридаги муқованинг ички томонидаги ва 70^б бетидаги учлари кесик тўртбурчак шаклдаги муҳрларда Мир Жамолуддин ибн Мулла Ғавс Маҳдум, 1212/1797 йил, деб ёзилган.

Аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг асари дунё мамлакатларида турли даврларда кўплаб нусхаларда нашр қилинган. Жумладан, асар 1297/1879 йили Истамбулда нашр қилинган. Китобнинг бошидан 200 бетида “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”, ундан кейин Касталий ҳошияси, ундан кейин 104 бетлик Хаёлий шарҳи ва бу шарҳга Биҳиштийнинг ҳошияси келтирилган. Китоб

охирида 3 бет ва сатр “Ақоид ан-Насафий” матни келтирилган. Кейинчалик эса, Истамбулда “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” ва Касталий ҳошияси алоҳида нашр қилинган ва бугунги кунда ҳам нашр қилинмоқда.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари Хаёлийнинг “Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия” ва Сиялкутий “Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарлари билан Ҳиндистоннинг Лакнав шаҳрида 1314/1896 йили нашр қилинган. Шунингдек, мазкур асар Калькутта шаҳрида 1244/1828 йили, Дехли шаҳрида 1286/1870 йили, Лакнав шаҳрида 1876 йили, Кавнпур шаҳрида 1903 йили ва Қоҳира шаҳрида 2000 йили нашр қилинган.

Европада ҳам “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари XVIII асрда ўрганилган. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”нинг баъзи қисмлари 1204/1790 йили Женевада француз ва немис тилларига таржима қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” Ўрта асрда мадраса таълим тизимида калом илмидан асосий дарслик сифатида ўқилгани боис у кўплаб нусхаларда китобат қилинган. Биргина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фондида унинг йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжудлиги ҳам бунни тасдиқлайди. Шунингдек, асарнинг шарҳ ва ҳошиялари юзлаб нусхаларда кўчириб келинди. Тошбосма нашри мусулмон оламида ҳам фаолият юритганидан бошлаб XX асрнинг биринчи чорагигача кетма-кет нашр қилиб турилган. Бу ҳолатлар “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”нинг калом илми тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини билдиради.

2.2. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”га ёзилган шарҳ ва ҳошияларида мотуридия таълимотининг акс этиши

Саъдуддин Тафтазоний ҳанафий мазҳабининг йирик намояндаларидан ҳисобланади. Аллома ўзининг ноёб асарлари билан мотуридия ақидаси ривожига катта ҳисса қўшган.

Юқорида таъкидланганидек, Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Лекин, ёзилган шарҳлардан Аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари энг муҳими ва машҳури ҳисобланади¹⁴². Шу сабабли, ҳанафий мазҳабининг йирик олимлари “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига алоҳида катта эътибор билан қарашган ва ўз навбатида унга шарҳ, ҳошия ва тақрирлар ёзганлар. Шунингдек, Тафтазонийнинг бу асари Ўрта аср мадраса таълим тизимида ўқув дарслиги сифатида кенг миқёсда фойдаланилган. Ушбу асарга 61 та ҳошия, 16 та тақрир ва таълиқотлар битилган¹⁴³. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”га ёзилган шарҳ ва ҳошиялари муаллифлари рўйхати иловада келтирилади¹⁴⁴. Қуйида эса, энг машҳурларидан баъзиларини келтирамиз.

Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлийнинг (ваф. 860/1456 й.) “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия”га ёзган ҳошияси “Хаёлийнинг ҳошияси” номи билан машҳур¹⁴⁵. У Аллома Саъдуддин Тафтазонийга яқин даврда яшаб ижод этган ҳанафий мазҳабининг йирик олимларидан ҳисобланади. Усмонли турклар салтанатида фаолият олиб борган. У кўплаб асрининг олимларидан таълим олган. Жумладан, Хаёлий Султония мадрасаси мударриси мавло Ҳизр Бек ибн Жалолуддин (ваф. 863/1459 й.)дан таълим олиб, унинг ёрдамчисига айланган.

У ўз тенгдошларидан илмда олдинлаб, бир неча мадрасаларда мударрис бўлиб ишлаган. Унинг кўплаб машҳур шогирдлари бўлган. Жумладан, “Қора Камол” номи билан машҳур Камолуддин Исмоил Румий Қармоний ҳам Хаёлийнинг машҳур шогирдларидан ҳисобланади. У устози Хаёлийнинг “Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига ҳошия ёзган.

“Азник” мадрасаси¹⁴⁶ мударриси мавло Тожуддин ибн ал-Хатиб вафот этгандан кейин, Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлийни Султон Муҳаммад унинг ўрнига мударрис қилиб тайинлайди ва олимга ҳар куни бир юз ўттиз

¹⁴² Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 9.

¹⁴³ Аллоқулов А. “Ақоиду-н-насафий” ва унга ёзилган шарҳлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали: № 2. – Тошкент, 2009. – Б. 157.

¹⁴⁴ Қаранг: 2 - илова.

¹⁴⁵ Мазкур асарнинг Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси қўлёзмалар фондида №175/II, №83/II инвентар рақамларда қўлёзма нусхаслари сақланади. Шунингдек, Хаёлий ва Қора Ҳалил ҳошиялари Қоҳира шаҳрида 1297/1879 йили нашр қилинган.

¹⁴⁶ Бу мадраса Туркияда жойлашган бўлиб, унга 731/1331 йили асос солинган.

усмоний дирҳам маош берилишини белгилайди. Айни шу пайтда олим ўттиз уч ёшда бўлишига қарамасдан, етук олим даражасига эришган эди.

Аҳмад ибн Мусо кўплаб асарлар ёзган. Жумладан, “Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия”, “Ҳошия ало ҳошия шарҳ ал-Тажрид”, “Шарҳ назм ал-ақоид”¹⁴⁷, “Тафсир ал-Қозий”, “ат-Талвих” кабиларни келтириш мумкин.

“Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари тушунарлилиги ҳамда равонлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Рамазон ибн Абдулмуҳсин Ҳанафий Мотуридий Биҳиштий Румий ҳанафий мазҳабининг йирик олимларидан бири бўлиб, “Мавлоно Биҳиштий” номи билан машҳур бўлган. Олимнинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумот манбаларда учрамасада, Эдирна вилоятидаги Визе шаҳарчасида дунёга келганлиги келтирилган. Олим тасаввуф муршиди бўлиши билан бирга кўплаб асарлар ҳам ёзган. “Ҳошия ало ҳошият шарҳ ал-ақоид ан-насафия”¹⁴⁸, “Ҳошия адаб ал-Масъудий”, “Таълиқот ало шарҳ ал-Мифтах”, “Девон” кабилар шулар жумласидан ҳисобланади.

Рамазон ибн Абдулмуҳсин Биҳиштий 979/1571 йили вафот этган.

Олимнинг “Ҳошия ало ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари тушунарлилиги ҳамда равонлиги билан ажралиб туради ва бугунги кунда ҳам энг кўп ўқиладиган ҳошиялардан биридир. Биҳиштийнинг мазкур асари ва Хаёлий томонидан “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига ёзилган ҳошияси Истамбул шаҳрида 1265/1849, 1277/1861, 1288/1871, 1293/1876, 1297/1880, 1302/1885, 1303/1886, 1308/1891, 1315/1897, 1320/1902, 1321/1903, 1326/1908, 1336/1918, 1360/1941, 1391/1971 йиллар мобайнида 17 марта қайта-қайта нашр қилинган.

Муслихуддин Мустафо Қасталоний (ёки Касталий) (ваф. 901/1495 й.) ҳанафий мазҳабининг катта олимларидан бири ва сўфийлик муршиди бўлган. У “Ҳожа зода” номи билан машҳур бўлган. Касталий ўз даврининг йирик олимларидан таълим олган. Жумладан, У Султония мадрасаси мударриси

¹⁴⁷ Мазкур асар Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий “Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия” номли асарига ёзилган ҳошия ҳисобланади.

¹⁴⁸ Мазкур асар Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий томонидан устози Ҳизр Бек ибн Жалолуддин асарига ёзилган шарҳ ҳисобланади.

мавло Ҳизр Бек ибн Жалолуддин (ваф. 863/1459 й.)дан ҳам илм ўрганган. Олим кўплаб асарлар ёзган бўлиб, “Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия” шулар жумласида ҳисобланади.

Касталийнинг “Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ҳам шарҳ услубида тушунарлилиги ва осонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда кўп ўқиладиган ҳошиялардан бири бўлиб, 1297/1879 йилда Истамбул шаҳрида нашр қилинган.

Рамазон ибн Муҳаммад (ваф. 1025/1616 й.) Эдирна вилоятидаги Визе шаҳарчасида дунёга келган. У “Рамазон Афанди” номи билан машҳур мутасаввиф ва олим бўлиб, кўплаб асарлар ёзган. Жумладан, “Шарҳ ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия”, “Таълиқот ало шарҳ ал-Мифтоҳ”, “Ҳошия адаб ал-Масъудий” кабиларни келтириш мумкин.

Рамазон ибн Муҳаммад “Шарҳ ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ҳам шарҳ услубида тушунарлилиги ва осонлиги ҳамда мухтасарлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу шарҳ Рамазон Афанди номи билан машҳур бўлиб, 1327/1909 йили Деҳли ва 1308/1891 йили Истамбул шаҳарларида чоп этилган.

Имом Абдурраҳмон ибн Камол Жалолуддин Суютий (849-911/1445-1505) ва Али ибн Муҳаммад Қорий Маккий (ваф. 1014/1616 й.) асардаги ҳадисларни таҳриж қилганлар.

Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарида дастлаб “калом” атамасининг келиб чиқиши, шаклланиш босқичлари, юнон файласуфларининг китобларини араб тилига таржима қилиниш сабаблари, ислом фалсафаси билан калом илмини қоришиб кетиш жиҳатлари, турли оқимларни келиб чиқиш сабаблари, Абул Ҳасан Ашъарийнинг муътазила фирқасидан ажралиб, Аҳл ас-сунна вал-жамоа таълимотига асос солганлиги ҳамда муътазилийлар қарашларига қарши раддиялар берганлиги ҳақида тўхталиб ўтган. Лекин, мотуридия таълимотини шаклланиши ва Аҳл ас-сунна вал-жамоа таркибига кириши ҳақида сўз юритмаган.

Касталий ва Хаёлий ҳамда Биҳиштийлар ёзган хошиялар Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари билан биргаликда 1297/1880 йили Қоҳира шаҳрида нашр қилинган.

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари мотуридия ақидаси бўйича ёзилган. Шу нуктаи назардан унга ёзилган шарҳ ва хошиялар ҳам мазкур ақида асосида талқин қилинган. Буни қуйидаги учта масала асосида атрофлича кўриш мумкин.

Ақоид илмида энг баҳсли масалалардан бири имон масаласи ҳисобланади. Имоннинг шарти масаласида турли қарашлар мавжуд. Баъзилар имоннинг шарти тил билан иқрор бўлиш, қалб билан тасдиқлаш ва рукнларни бажаришдан иборат деганлар.

Ҳанафий мазҳабида эса, имоннинг шарти иккита деб ҳисобланади. Яъни, тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқлашдан иборат. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарида ҳам бу хусусда турли фикрларни келтириб, имон шартининг тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқлашдан иборат ва амалларни имон шартига кирмаслигини айтган¹⁴⁹.

Шунингдек, мазкур фикрини аллома ўзининг калом илмига оид яна бир асари “Шарҳ ал-мақосид”да давом қилдириб, далиллар билан батафсил исботлашга ҳаракат қилган¹⁵⁰.

“Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарига ёзилган шарҳ ва хошияларида ҳам имон шарти тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқлашдан иборат деб таъкидланган¹⁵¹.

Калом илмида “Халифалик” масаласи муҳим муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам баъзи оқимлар томонидан “Ислом халифалиги”ни қуриш ғояси илгари сурилмоқда. Агарда тарихга назар ташланса, бу масала ҳам даврий такрорланиб туришига гувоҳ бўлинади.

¹⁴⁹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Қўлёзма. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фонди. Инв. № 175/1 (бундан кейин: Тафтазоний, Инв. № 175/1). – В. 49^б.

¹⁵⁰ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. – Байрут: Аълам ал-кутуб, 1998. –Ж. V. – Б. 181.

¹⁵¹ Рамазон ибн Муҳаммад. Аш-Шарҳ ли шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Султония, 1308/1891. – Б. 260-261; Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий. Хошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007 (бундан кейин: Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия). Ж. I. –Б.182; Мулло Аҳмад ал-Жандий. Хошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия. Ж. I. – Б. 181.

“Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарида бу тўғрида қуйидагича баён қилинган:

الْخِلَافَةُ ثَلَاثُونَ سَنَةً ثُمَّ بَعْدَهَا مُلْكٌ وَ إِمَارَةٌ¹⁵².

Таржимаси. “Халифалик ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳлик ва амирликдир”.

Бундан кейин Аллома Тафтазоний Расуллуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисни келтиради:

الْخِلَافَةُ بَعْدِي ثَلَاثُونَ سَنَةً ثُمَّ تَصِيرُ بَعْدَهَا مُلْكًا وَ عُضُوضًا¹⁵³.

Таржимаси. “Мендан кейин халифалик ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳлик ва яккаҳокимликларга айланиб кетади”.

Мазкур ҳадис саҳиҳ бўлиб, бир қанча муҳаддислар томонидан ривоят қилинган¹⁵⁴.

Шундан кейин, Аллома Тафтазоний Али (р.а.) мазкур ўттиз йилнинг бошида туришлигини айтади. Ундан кейин ҳукмронлик қилганлар эса, подшоҳ ва амирлар бўлади дейди. Жумладан, Муовия ва ундан кейингилар халифалардан эмаслигини айтади¹⁵⁵. Лекин, бу мавзу мушкул деб, фикри давомида буни ёритиб беради.

Чунки, Аббосий халифалиги ва Умар ибн Абдулазиз каби марвонийлар сулоласининг баъзи вакиллари мусулмон уммати халифа деб келган бўлса-да, бироқ Тафтазоний фикрига кўра, ҳадисда тилга олинган халифаликдан мақсад тўлиқ халифалик, яъни у шундай халифлики, унга қарши ҳеч бир муҳолифат бўлмаган, ундан бошқаларга байъат қилишга одамларда майл уйғонмаган¹⁵⁶. Яъни, “хулафои рошидин” (“тўғри йўлдан борувчи халифалар”) Абу Бакр Сиддиқ (11-13/632-634), Умар ибн Хаттоб (13-23/634-644), Усмон ибн Аффон (23-35/644-656) ва Али ибн Абу Толиб (35-40/656-661) (р.а.)лар бўлиб, улар Расуллуллоҳ (с.а.в.)нинг халифалари бўлганлар.

¹⁵² Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 60^а.

¹⁵³ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 60^а.

¹⁵⁴ 2226-ҳадис // Имом Термизий. Жомеъ ат-Термизий // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008 (бундан кейин: Ал-Кутуб ас-ситта). – Б. 1875; 4646, 4647-ҳадислар // Имом Абу Довуд. Суан Абу Довуд // Ал-кутуб ас-ситта. – Б. 1564.

¹⁵⁵ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 60^а.

¹⁵⁶ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 60^а.

Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисни келтиради:

مَنْ مَاتَ مِنْ أَهْلِ الْقَبْلَةِ وَلَمْ يَعْرِفْ إِمَامَ زَمَانِهِ مَاتَ مَيَّةً جَاهِلِيَّةً¹⁵⁷.

Таржимаси. “Аҳли қибладан ким ўз замонасининг имонини танимасдан вафот этса, жоҳил бўлиб вафот этибди”.

Бу ҳадисдаги “ўз замонининг имомини” (“إِمَامَ زَمَانِهِ”) сўзидан мурод ўша даврга юборилган Муҳаммад (с.а.в.)дир¹⁵⁸.

Аллома Тафтазоний мазкур ҳадис эътиборидан уммат Набий (с.а.в.) вафотидан кейин энг муҳим ишни қилдилар. Яъни, ўзларига раҳбарни тайинладилар. Ҳатто, Набий (с.а.в.) дафн қилинмасдан олдин бу ишни амалга оширдилар ва бу ишни ҳар бир раҳбар вафотидан кейин ҳам давом қилдирдилар¹⁵⁹.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, “халифаликни қайта куриш” масаласи асрлар давомида турли фирқалар томонидан даврий равишда кўтарилиб турган. Бугунги кунда ҳам бу масала баъзи адашган фирқалар томонидан кўтарилмоқда. Юқорида келтирилган кучли далиллар мазкур оқимларнинг қарашлари нотўғрилигини исботлайди ва уларнинг қилаётган бу даъволари фақат ўзларининг ғаразли мақсадларини ниқоблашдан ўзга ҳолат эмас эканлигини кўрсатади.

Биринчидан, биз “раҳбар” деб таржима қилган сўз матнда “имом” (“الإِمَامُ”) шаклида келган. Ақоид илми истилоҳида “имом” сўзи икки маънода келади: давлат раҳбари ва имом-хатиб. Бу ўринда давлат раҳбари маъносида келган.

Лекин, “مَنْ مَاتَ مِنْ أَهْلِ الْقَبْلَةِ” ҳадисида келган “имом” (“الإِمَامُ”) сўзидан мурод эса, Муҳаммад (с.а.в.)дир.

Иккинчидан, юқорида келтирилган ҳадис маъносидан маълум бўладики, “комил халифалик” ўттиз йил. Яъни, Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб (р.а.)лар даври. Шунингдек, мазкур тўрт саҳоба Расуллоҳнинг халифалари бўлганлар. Мазкур ўттиз йилдан

¹⁵⁷ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 60^а.

¹⁵⁸ Рамазон ибн Муҳаммад. Шарҳ ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Султония, 1308/1891. – Б. 260-261.

¹⁵⁹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 60^а.

кейин пайдо бўлган давлатлар эса, подшоҳлик ва амирликлар эди. Демак, бундан маълум бўладики, подшоҳлик ва амирликлар “ўринбосар”, яъни, “халифа” томонидан эмас, балки, “подшоҳ” ва “амир”лар томонидан бошқарилади.

Учинчидан, аллома Тафтазоний жамиятни бошқариш учун рахбар тайинлаш “самъий” (эшитиш орқали олинган) далил (Қуръони карим ва суннат) асосида “ижмо” қилинганлигини таъкидлайди.

Тўртинчидан, аллома Тафтазоний Набий (с.а.в.) вафотидан кейин уммат амалга оширган энг муҳим иши ўзларига рахбар тайинлаш бўлганлигини таъкидлайди.

Баъзи оқимлар томонидан ихтилоф қилинган ақидавий масалалардан бири тирикларнинг ўликлар учун Аллоҳдан сўраб қиладиган дуо ва садақалари мавзуси ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам бу масалада ихтилоф қилаётган оқимлар фаолияти кузатилмоқда. “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарида бу тўғрида қуйидагича баён қилинган:

و في دعاء الأحياء للأموات و صدقاتهم عنهم نفع لهم و الله تعالى يجيب الدعوات و يقضي الحاجات¹⁶⁰.

Таржимаси. “Тирикларнинг ўликлар учун қилган дуо ва садақаларида улар учун фойда бордир. Аллоҳ таоло дуоларни ижобат қилади ва ҳожатларни раво қилади”.

Саъдуддин Тафтазоний мазкур масалада муътазилийлар ҳилоф қилганлигини келтириб, шундай дейди: муътазилийлар “Қазо” ўзгармайди, ҳар бир жон қилган иши билан гаровланган ва эркак киши ўзганинг қилган амали билан эмас, ўзининг қилган амалига қараб мукофот ёки жазо олади, деб талқин қилганлар.

“Улар (ўликлар) учун фойда бордир” (“نفع لهم”) жумласини Саъдуддин Тафтазоний қуйидагича шарҳлайди ва далиллар келтиради:

Тирикларнинг ўликлар учун дуо қилишлари тўғрисида кўплаб саҳиҳ ҳадислар келган. Жумладан, жаноза намозида ўқиладиган дуо ва умуман

¹⁶⁰ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 67^б – 68^б.

ўтганлар ҳақиға қилинадиган дуо саҳоба ва тобеинлардан мерос бўлиб келган. Агар дуодан ўликлар учун фойда бўлмаганда эди, дуо қилишдан ҳеч қандай маъно бўлмас эди?!¹⁶¹.

Шундан кейин Саъдуддин Тафтазоний қуйидаги ҳадисларни ривоят қилади:

Набий (с.а.в.) дедилар: “Модомики, бирор ўликка мусулмонлардан юз нафарга етадиган жамоат жаноза намозини ўқиса ва ҳаммалари унга шафоат сўрасалар, албатта унга (ўликка) шафоатчи қилинадилар”¹⁶².

Саъд ибн Убодадан ривоят қилинади: “У айтди: Эй, Расулуллоҳ, Умму Саъд (Саъднинг онаси, менинг онам) вафот этди. Қайси садақа (унинг учун) афзал?”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) “сув” дедилар. Кейин у (Саъд ибн Убода) қудук қазиб, бу “Умму Саъд учун” деди¹⁶³.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Дуо балони қайтаради. Садақа Рабнинг ғазабини ўчиради”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Олим ва илм ўрганувчи бир қишлоқ ёнидан ўтаётганида Аллоҳ таоло ўша қишлоқ қабристонида қирқ кун азобни кўтаради”.

Аллома Тафтазоний мазкур ҳадисларни келтиргандан кейин бу мавзуга оид ҳадис ва асарлар (саҳобаларнинг хабарлари¹⁶⁴) сон-саноксизлигини таъкидлайди.

Шундай кейин аллома “Аллоҳ таоло дуоларни ижобат қилади ва ҳожатларни раво қилади” (“وَاللّٰهُ تَعَالٰى يَجِيبُ الدَّعَوَاتِ وَيَقْضِى الْحَاجَاتِ”) жумласини шарҳлашга ўтиб, бунга қуйидаги далилларни келтиради:

Қуръони каримдан келтирган далили:

ادْعُونِيْ اَسْتَجِبْ لَكُمْ

¹⁶¹ Тафтазоний, Инв. № 175/1. – В. 67⁶.

¹⁶² 2198-ҳадис // Имом Муслим. Саҳиҳ Муслим // Ал-кутуб ас-ситта. – Б. 827; 1993, 1994-ҳадислар // Имом Насоий. Сунан ан-Насоий // Ал-Кутуб ас-ситта. – Б. 2218.

¹⁶³ 1679, 1680, 1681-ҳадислар // Имом Абу Довуд. Сунан Абу Довуд // Ал-кутуб ас-ситта. – Б. 1348; 3684-ҳадис // Имом Насоий. Сунан ан-Насоий // Ал-Кутуб ас-ситта. – Б. 2329.

¹⁶⁴ Рамазон ибн Муҳаммад. Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Султония, 1308/1891. – Б. 315.

“Парвардигорингиз: “Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!” – деди”¹⁶⁵(Ғофир, 60).

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Банда модомики шошилмаётган бўлса ва гуноҳ қилмаган ва силаи раҳимни узмаган ҳолда дуо қилса, дуоси мустажоб қилинади”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Албатта, сизларнинг Роббингиз тирикдир, каримдир, қачонки бандаси Унга қўлини кўтариб дуо қилганида бандасининг қўлини бўш қайтаришдан У бандасидан ҳаё қилади”.

Шунингдек, бу иш асосида тўғри ният, чин пинҳоний ният ва қалб ҳозирлиги бўлиши кераклигини Аллома Тафтазоний таъкидлайди¹⁶⁶ ва қуйидаги ҳадисни келтиради:

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Аллоҳга дуо қилинглари ва сизлар ижобатга ишонувчи бўлинглари! Билинглари, Аллоҳ таоло юзаки иш қиладиган эътиборсиз қалбдан дуони қабул қилмайди”.

Саъдуддин Тафтазоний “кофирнинг дуоси қабул бўлади ёки йўқми”, деган саволга жавоб беришда олимларнинг фикрлари турлича бўлганлигини айтади. Унингча, жумхур (кўпчилик олимлар) Аллоҳ таолонинг каломи билан “қабул бўлмайди” деган фикрни илгари сурганлар ва қуйидаги оятни далил келтирганлар:

وَمَا دُعَاءُ الْكَافِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ

“Кофирларнинг дуолари мутлақо зоедир”¹⁶⁷.

Чунки, у (кофир) Аллоҳни билмайди, тасдиқламаган. Шунинг учун Унга ишониб дуо қилмайди. Бунга қўшимча равишда Тафтазоний ҳадисдан ривоят келтирган:

“Ким мазлум ҳолатда дуо қилса, у кофир бўлса ҳам дуоси ижобат бўлади”. Яъни, бу ердаги “куфр”дан мурод “куфрони неъмат” эканини зикр қилган¹⁶⁸.

¹⁶⁵ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсирлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт- матбаа бирлашмаси, 2012 (Бундан кейин: Тафсир, 2012). – Б. 474.

¹⁶⁶ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 68^а.

¹⁶⁷ Раъд, 14 // Тафсир, 2012. – Б. 251.

Лекин, баъзилар унга (кофирнинг дуоси қабул бўлади дейишлик) рухсат бериб, унга Аллоҳ таоло Иблис (а.л.)дан ҳикоятан гапини далил келтирадилар:

قَالَ أَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمٍ يُبْعَثُونَ. قَالَ إِنَّكَ مِنَ الْمُنظَرِينَ.

“(У) деди: “Менга (инсонлар) тирилтириладиган кунгача (қиёматгача) муҳлат бер!”. “Айтди: “Албатта, сен (жазо кунигача) муҳлат берилганлардандирсан”¹⁶⁹.

Саъдуддин Тафтазоний юқорида Қуръони каримдан далиллар келтириб, кофир дуоси қабул бўлиши мумкин, деб хулоса қилади. Шунингдек, бунӣ Абулқосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Абу Носир ад-Дабусий ва Ас-Садр аш-Шаҳидлар ҳам жоиз деганларини келтиради ва “Шу фикрга фатво берилган!” деб қайд қилади¹⁷⁰.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш керакки, ислом дини инсонларни ўзаро тинч-тотув яшашга чорлайди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир инсон ўзга инсон ҳаққиға хиёнат қилмаслиги лозим бўлади. Шунингдек, инсонлар динидан қатъи назар бир-бирларига доим яхшилик билан муносабатда бўлишлиги лозим бўлиши таъкидланади.

2.3. Асарнинг ҳозирги кундаги аҳамияти

Вақт ўтиши билан баъзи китобларнинг луғавий ва услуб жиҳатидан тушуниш қийинлашиши табиий. Бу ҳар бир давр жамиятида содир бўладиган ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий жараёнларға боғлиқ ҳисобланади. Бу ҳолатни Абу Ҳафс Умар Насафий ва Саъдуддин Тафтазоний яшаган давр муҳитлари мисолида ҳам кўринади. Саъдуддин Тафтазонийни “Ақоид Насафия”ға шарҳ ёзишға ундаган мазкур сабаб асосий омиллардан бири сифатида туртки бўлган десак янглишмаган бўламиз.

“Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари асрлар давомида ўзининг ақоид илмиға тааллуқли манба сифатидаги аҳамиятини йўқотмаган. Бунға асарнинг

¹⁶⁸ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 68^а.

¹⁶⁹ Аъроф, 14, 15 // Тафсир, 2012. – Б. 152.

¹⁷⁰ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 68^а - 68^б.

ислом олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқитилиши ва унга ёзилган хошиялар яққол мисол бўлади.

“Тарихдан маълумки, Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида ислом уммати диннинг усули ва фуруъсида¹⁷¹ ягона эътикод ва бир хил ибодатда муқим эди. Уларнинг ўрталарида ихтилоф чиқиши ва фиркаларга бўлиниш Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин бошланган. Ўша пайтда чиққан бир нечта ақидавий ихтилофлар бартараф этилган бўлишига қарамасдан ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётганлари ҳам бор. Исломда турли тоифадаги фиркалар сон-саноксиз бўлиб, ҳозирда ҳам ўзаро зиддият, ғаразлар йўлида турли гуруҳларга бўлиниб, тафриқаланиш давом этмоқда”¹⁷².

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарида ҳам турли даврларда пайдо бўлган оқимлар томонидан далилларни нотўғри талқин қилиб ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вақти-вақти билан такрорланувчи баъзи ақидавий ва фикҳий масалалар баён этилган. Мазкур ҳолатни бугунги кунда, биз яшаётган жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларида ҳам кузатилаётганлиги бир томондан ачинарли ҳолат бўлса, иккинчи томондан жамият барқарорлигига жиддий хавф ҳисобланади.

Баъзи бир замонавий адашган оқимлар мусулмонлар орасида фитна чиқариш мақсадида атайин, асоссиз бир қанча ақидавий масалаларни кўтариб чиқмоқдалар. Аслини олганда, мазкур жараёнлар диндан ёмон мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланишдан ўзга нарса эмас. Ваҳоланки, ислом – тинчлик ва маърифат динидир. Бу ҳақиқат ҳеч кимга сир эмас. Лекин, бу ҳақиқатни баъзилар бошқа томонга буришга ҳаракат қилмоқдалар. Қуйида мазкур асарда келтирилган бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги жиҳатидан муҳим бўлган бир неча ихтилофли ақидавий масалаларга тўхталиб ўтамыз.

¹⁷¹ Изоҳ. Бу ерда ақида ва амалий ибодатлар назарда тутилган.

¹⁷² Қаранг: Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти: (Монография) / Масъул муҳаррир А.Ҳасанов; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент ислом университети. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 146.

Ақоид илмидаги муҳим масалалардан бири “гуноҳи кабира” (“катта гуноҳ”) қилган мусулмон кишининг ҳолати тўғрисидаги қарашлар ҳисобланади. Асарда бу масала батафсил ёритилган:

“وَالْكَبِيرَةُ لَا تُخْرِجُ الْعَبْدَ الْمُؤْمِنَ مِنَ الْإِيمَانِ وَلَا تُدْخِلُهُ فِي الْكُفْرِ”¹⁷³.

Таржимаси. Гуноҳи кабиралар муъмин бандани имондан ҳам чиқармайди, куфрга ҳам киргизмайди.

Мазкур масала шарҳида Саъдуддин Тафтазоний дастлаб “الْكَبِيرَةُ”, яъни гуноҳи кабира тўғрисидаги ривоятларда ихтилоф қилинганлигини айтади ва гуноҳи кабираларни баён қилиб, Ибн Умар(р.а.)дан гуноҳи кабиралар тўққизталиги тўғрисидаги қилинган ривоятни келтиради:

الْأَشْرَاكُ بِاللَّهِ وَقَتْلُ النَّفْسِ بِغَيْرِ حَقٍّ وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ وَالزَّانَا وَالْفِرَارُ مِنَ الزَّحْفِ وَالسَّحَرُ وَ أَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ وَ عُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ الْمُسْلِمِينَ¹⁷⁴ وَالْأَلْحَادُ فِي الْحَرَمِ¹⁷⁵.

Таржимаси. “Аллоҳ таолога ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш, ифбатли аёлларни бўҳтон қилиш, зино, жанг майдонидан қочиш, сеҳр қилиш, етимнинг молини ейиш, мусулмон ота-онанинг гапига қулоқ солмаслик (оқ бўлиш) ва ҳарам (Маккадаги муайян ҳудуд)да бузғунчилик қилиш”.

Яна Саъдуддин Тафтазоний Абу Ҳурайра (р.а.) “рибони ейиш” (“أَكَلَ”)ни ва Али (р.а.) “ўғирлик” (“السَّرْقَةُ”), “хамр ичиш” (“شَرَبَ الْخَمْرَ”)ларни ҳам гуноҳи кабиралар сирасига қўшганини айтади.

Тафтазоний мазкур ҳадисни келтирганидан сўнг гуноҳи кабира борасида мутакаллимлар томонидан айтилган учта таърифни келтириб ўтади:

1) Ҳар қандай бузғунчилик мазкур ҳадисда тилга олинган гуноҳларга ўхшаш ёки фасоди улардан-да ёмонроқ бўлган амаллар;

2) Шориъ (Аллоҳ ва унинг расули) томонидан мазкур ҳадисда белгиланган амаллар, холос;

¹⁷³ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^а – 45^б.

¹⁷⁴ Изоҳ. Ҳадисдаги “Мусулмон ота-она” гапига қулоқ солмаслик гуноҳи кабира эканлиги баён қилинган. Умуман, қариган ота-онага этикодидан қатъи назар “уфф” дейишлик гуноҳ ҳисобланади.

¹⁷⁵ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^а.

3) Ҳар қандай гуноҳ доимий ва мунтазам қилинадиган бўлса, у гуноҳи кабирадир. Агар ҳар қандай гуноҳга тавба қилинадиган бўлса, у сағирадир.

Шу ерда Тафтазоний бухоролик машҳур мутакаллим Нуруддин Собуний (ваф. 580/1184 й.) қаламига мансуб “ал-Кифоя” асаридан иқтибос келтирган. Гуноҳи кабираларга куфр гуноҳи кирмаслиги ҳақидаги Собунийнинг фикрини Тафтазоний давом қилдириб, куфрдан бошқа гуноҳи кабиралар муъмин бандани имондан чиқармайди, деб хулоса қилади¹⁷⁶.

Кейин эса, “гуноҳи кабиралар муъмин бандани имондан чиқармайди” (“لَا تُخْرِجُ الْعَبْدَ الْمُؤْمِنَ مِنَ الْإِيمَانِ”) жумласини шарҳлашга ўтиб, “тасдиқ ҳолатида туриш бу имоннинг ҳақиқатидир” (яъни имонни тасдиқлаш), дейди. Шарҳ давомида бу фикрнинг муътазилийларга хилоф экани таъкидланиб, улар гуноҳи кабира қилган мусулмон банда муъмин ҳам, кофир ҳам бўлмайди, балки “икки манзил ўртасида” (“المنزلة بين المنزلتين”) бўлади, деб ҳисоблашлари танқид қилинади. Чунки, уларнинг наздида амаллар имоннинг бир қисмидир, деб айтилади¹⁷⁷.

Саъдуддин Тафтазоний “гуноҳи кабиралар муъмин бандани куфрга киргазмайди” (“و لا تدخله في الكفر”) жумласини шарҳлаб, бу хорижийларга¹⁷⁸ хилоф ва улар гуноҳи кабира қилган ҳам, кичик гуноҳ қилган ҳам кофир ҳамда албатта, у имон ва куфр ўртасида бўлмайди деб таъкидлаганлар, дейди¹⁷⁹.

Мазкур масала юзасидан “бизнинг қарашларимиз” дея далилларни бирма-бир келтиради:

Биринчидан, имоннинг туб мағизларидан бири бу қалб билан тасдиқ қилиш ҳисобланади. Муъмин имон шартларини инкор этмагунча, у ўзининг имонини йўқотган ҳисобланмайди. Шаҳват, такаббурлик, фахрланиш ёки дангасалик ғолиблиги учун бир гуноҳи кабира қилгани билан ундаги жазоланиш хавфи, кечирилиш умиди ва тавба қилиш ниятини қўшганда

¹⁷⁶ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^а – 44^б.

¹⁷⁷ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^б.

¹⁷⁸ Исломда илк ихтилоф кўзгаб, Аҳл ас-сунна вал-жамоадан ажралиб чиққан тоифа.

¹⁷⁹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^б.

муъминликни инкор қилиб бўлмайди. Албатта, ҳаромни ҳалол санаш ва ақидавий масалаларга ҳурматсизлик билдириш йўли билан бўлса, куфр бўлади. Чунки, унинг бўлиши шариатни рад ва инкор этиш белгисидир. Шориъ (Аллоҳ ва унинг расули) рад этиш учун белгилаб қўйган иш, бу шак-шубҳасиз гуноҳдир. Шунингдек, унинг мавжудлиги шаръий далиллар билан билинади. Бут-санамларга сажда қилиш, Мусҳафни оёқости қилиш, куфр сўзларни гапириш ва бошқа шу каби далиллар билан собит бўлган ҳолатлар, албатта, куфрдир¹⁸⁰.

Бироқ, Тафтазоний таъкидлайдики, имон тасдиқ ва иқрордан иборат бўлгани боис, тавба қилганини тасдиқланган ҳолатда ёки ундаги куфр амаллар ва лафзлардан иборат шубҳа ва инкорларни аниқ билиб бўлинмайдиган бўлса, исломни эътироф, тасдиқ ва иқрор қилган инсонни асло кофир демаслик зурур бўлади¹⁸¹.

Иккинчидан. Умуман, Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда муъминнинг гуноҳкор бўлишига далолат қилади.

Қуръони карим оятлари:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ

“Эй, имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) фарз қилинди”¹⁸².

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз”¹⁸³.

وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا

“Агар муъминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар”¹⁸⁴.

Саъдуддин Тафтазоний мазкур оятлардан ташқари ҳам мавзуга тааллуқли оятлар кўплигини айтади¹⁸⁵.

¹⁸⁰ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^б.

¹⁸¹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 44^б – 45^а.

¹⁸² Бақара, 178 // Тафсир, 2012. – Б. 27.

¹⁸³ Таҳрим, 8 // Тафсир, 2012. – Б. 561.

¹⁸⁴ Ҳужурот, 9 // Тафсир, 2012. – Б. 516.

¹⁸⁵ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45^а.

Учинчидан, Набий (с.а.в.) даври уммати ижмоси бизнинг кунимизга ҳам тегишлидир: аҳли қибладан тавба қилмасдан вафот этган бандага жаноза намозини ўқиш, уларнинг ҳақиға дуо қилиш, мағфират сўраш керак. Агарда улар илм билан гуноҳи кабиралар қилган бўлсада, бу иттифокдан кейин бандани муъмин дейиш жоиз бўлади¹⁸⁶.

Бу далиллардан кейин Саъдуддин Тафтазоний муътазилий ва хорижийларнинг таълимотларини келтириб, уларнинг қарашлари ботиллигини исботлаб беради:

Муътазилий оқими ўзларнинг ақидаларини асослаш мақсадида фикрларини баён этиб, қуйидаги иккита далилни келтирган:

Биринчидан, уммат гуноҳи кабира қилган муъминни фосиқ бўлишига иттифок қилган. Бундан муътазилийлар “фосиқ” киши “муъмин эмас” Хорижийлар эса, “кофир” бўлади дейдилар.

Шунинг учун муътазилийлар айтадилар: “Биз иттифокни оламиз. У тўғридаги ихтилофни тарк этамиз. Биз айтамиз: гуноҳи кабира қилган муъмин фосиқдир; у муъмин ҳам, кофир ҳам, мунофиқ ҳам эмас”¹⁸⁷.

Саъдуддин Тафтазоний муътазилийларнинг бу даъволарига қуйидагича раддия беради: Муътазилийлар “икки манзил ўртасида” (“ал-манзил байна-л-манзилатайн”) таълимоти салафлар (ўша даврдан олдин яшаган олимлар)нинг “икки манзил ўртасида” бўлмайди, деган ақидасига хилоф бўлиб, муътазилийларнинг бу таълимоти ботилдир¹⁸⁸.

Иккинчидан, гуноҳи кабира қилган мусулмон муъмин бўлмайди. Қуръони каримдан муътазилийлар ушбу оятни далил қилиб келтирадилар:

أَفَمَنْ كَانَ مُؤْمِنًا كَمَنْ كَانَ فَاسِقًا لَا يَسْتَوُونَ

“Ахир, муъмин киши билан фосиқ (итоатсиз) кимса тенг бўлурми?! (Йўқ), баробар бўлмаслар!”¹⁸⁹.

Бу оятда муъмин фосиққа қарама-қарши қўйилган.

¹⁸⁶ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45^а.

¹⁸⁷ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45^а.

¹⁸⁸ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45^а.

¹⁸⁹ Сажа, 18 // Тафсир, 2012. – Б. 416.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Зинокор банда зино қилаётган пайтда муъмин бўлмайди”, “Агар кимда омонатдорлик бўлмаса, унда имон бўлмайди”.

Муътазилийлар фикрига кўра, юқоридаги далилга биноан гуноҳкор инсон муъмин бўлмайди, шунингдек, у кофир ҳам эмас. Чунки, уммат уни ушбу гуноҳи сабабли қатл қилмайди, унга муртадлик ҳукмини жорий қилмаган ва уни мусулмонлар қабристонларига дафн қиладилар. Шу сабабли у кофир эмас.

Саъдуддин Тафтазоний муътазилийларнинг юқоридаги далил ва фикрларига қуйидагича жавоб беради:

Мазкур оятдаги “фосиқ”дан мақсад бу кофир. Чунки, куфр энг катта фисқлардандир.

Ушбу ҳадис гуноҳдан қайтариш учун қаттиқ огоҳлантириш мақсадида айтилган¹⁹⁰.

Оятлар ва ҳадислар далили фосиқнинг муъминлигининг исботидир. Ҳаттоки, Набий (с.а.в.)дан Абу Зарр (р.а.) саволлар сўрайверганида, Расулуллоҳ айтганлар: “Ким зино ва ўғирлик қилса, Абу Зарр хоҳишига қаршидир”¹⁹¹.

Хорижийлар фосиқнинг кофирлиги даъвосига оятлар ва ҳадисларнинг зоҳирий маъносига қараб далил келтирганлар.

Қуръони каримдан келтирган далиллари:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

“Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”¹⁹².

وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

“Кимки мана шу (ваъда)дан кейин ношукурлик қилса, бас, улар фосиқлардир”¹⁹³.

¹⁹⁰ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45⁶.

¹⁹¹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45⁶.

¹⁹² Моида, 44 // Тафсир, 2012. – Б. 115.

¹⁹³ Нур, 55 // Тафсир, 2012. – Б. 357.

Хорижийлар амални тарк этган кишининг кофир бўлишига “Ким намозни қасддан тарк этса, у кофир бўлади”¹⁹⁴ деган ҳадисни ҳам далил қилиб келтирадилар.

Хорижийларнинг кофирларга тегишли азоб ҳақида далил қилиб келтирган оятлари:

أَنَّ الْعَذَابَ عَلَى مَنْ كَذَّبَ وَتَوَلَّى

“(Аллоҳнинг пайғамбарларини) ёлғончи қилган ва (имон келтиришдан) юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур”¹⁹⁵.

لَا يَصْلَاهَا إِلَّا الْأَشْقَى. الَّذِي كَذَّبَ وَتَوَلَّى.

“Унда фақат бахтсиз (одам) куйгай. Қайсики, (динни) инкор этиб, (итоатдан) бош тортган бўлса”¹⁹⁶.

إِنَّ الْخِزْيَ الْيَوْمَ وَالسُّوءَ عَلَى الْكَافِرِينَ

“(Шунда) илм берилган (пайғамбар ва уламо)лар дерлар: “Дарҳақиқат, бугун расволик ва нохушлик кофирларгадир”¹⁹⁷.

Саъдуддин Тафтазоний хорижийларга қуйидагича жавоб беради:

Юқорида хорижийлар томонидан далил қилиб келтирилган оят ва ҳадислар зоҳири қатъий далиллар билан тарк этилган. Гуноҳи кабира қилган муъмин кофир эмас ва бу саҳобаларнинг ижмо (эътиқодий яқдиллик) билан берган ҳукмларидир. Хорижийлар ижмони инкор этганлар бўлиб, уларнинг сўзи эътиборга олинмайди¹⁹⁸. Яъни, Аҳл ас-сунна вал-жамоадан чиқиб, адашганлардир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ҳаромни ҳалол санаш куфр бўлиб, булар муъмин бандани диндан чиқаради. Лекин, гуноҳи кабира қилган мусулмон киши қилган амали туфайли “фосик” бўлиб, “муъмин” ҳисобланади. Аммо, юқорида айтилганидек, гуноҳи кабира қилган мусулмон кишини амали туфайли “кофир”ликда айиблаб бўлмайди. Кимки

¹⁹⁴ Ибн Ҳиббон. Саҳиҳ ибн Ҳиббон. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2005. – Б. 483-484.

¹⁹⁵ Тоҳо, 48 // Тафсир, 2012. – Б. 314.

¹⁹⁶ Лайл, 15,16 // Тафсир, 2012. – Б. 596.

¹⁹⁷ Наҳл, 27 // Тафсир, 2012. – Б. 270.

¹⁹⁸ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45⁶.

шундай қилса, у Аҳл ас-сунна вал-жамоадан чикиб, худди хорижийлар таълимотини илгари сурган каби бўлади.

Шундан кейин, аллома қуйидаги масалага ўтади:

وَاللّٰهُ تَعَالٰى لَا يَغْفِرُ اَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُوْنَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنَ الصَّغَائِرِ وَالْكَبَائِرِ وَيَجُوزُ الْعِقَابُ عَلَى الصَّغِيرَةِ وَالْعَوْفُ عَنِ الْكَبِيرَةِ اِذَا لَمْ يَكُنْ عَنِ اسْتِحْلَالٍ وَالْاِسْتِحْلَالُ كُفْرٌ¹⁹⁹.

Таржимаси. Аллоҳ таоло унга ширк келтиришни кечирмайди. Аллоҳ таоло ширкдан бошқа кичик ва гуноҳи кабираларни эса, хоҳлаган кимсадан кечиради. Кичик гуноҳга жазо бериш ва ҳаромни ҳалол ҳисоблашликдан бўлмаган гуноҳи кабирани афв қилиш ҳам жоиз бўлади. Ҳаромни ҳалол санашлик куфрдир.

Саъдуддин Тафтазоний “Ширкдан бошқа кичик ва гуноҳи кабираларни хоҳлаган кимсадан кечиради” (“وَيَغْفِرُ مَا دُوْنَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنَ الصَّغَائِرِ وَالْكَبَائِرِ”) жумласини муътазилийлардан фарқли равишда бу гуноҳлар тавба қилиш билан ёки тавбасиз кечирилиши мумкин дейди²⁰⁰.

Юқоридаги далиллардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, муъмин кишини гуноҳи кабираи туфайли кофирликда айблаш мумкин эмас. Бу эса, охирги пайтларда баъзи фирқалар муъмин банданинг гуноҳи кабиралар қилганликлари сабабидан уларни “куфр”да айблашлари асоссиз эканини билдиради. Мана шу жиҳатдан, Аллома Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асаридаги юқоридаги каби таълимотлари бугунги даврдаги ушбу хилдаги “такфирчи”лар (“кофирга чиқарувчилар”) учун раддия сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ақоид илмида баҳсли масалалардан яна бири Аллоҳ таоло ўзининг валийларига кароматлар бериши тўғрисидаги ақида ҳисобланади. Бундан кўринадики, тасаввуф ва валийларнинг кароматлари ўша пайтда ҳам, бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки, ҳозирда ҳам ислом динида пайдо бўлган баъзи оқимлар нафақат валийлар кароматларини, балки, тасаввуф илмининг ўзини ҳам инкор қилмоқдалар. Айни шу мавзуга “Шарҳ

¹⁹⁹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45^б – 46^б.

²⁰⁰ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 45^б.

ал-ақоид ан-насафия” асарида ҳам тўхтаб ўтилган ва унда қуйидагича баён қилинади:

كَرَامَاتُ الْأَوْلِيَاءِ حَقٌّ فَتَظْهَرُ الْكَرَامَةُ عَلَى طَرِيقِ نَقْضِ الْعَادَةِ لِلْوَلِيِّ مِنْ قَطْعِ الْمَسَافَةِ الْبَعِيدَةِ فِي الْمُدَّةِ الْقَلِيلَةِ وَظُهُورِ الطَّعَامِ وَ الشَّرَابِ وَ اللَّبَاسِ عِنْدَ الْحَاجَةِ وَ الْمَشْيِ عَلَى الْمَاءِ وَ الطَّيْرَانِ فِي الْهَوَاءِ وَ كَلَامِ الْجَمَادِ وَ الْعَجَمَاءِ وَ انْدِفَاعِ الْمُتَوَجِّهِ مِنَ الْبَلَاءِ وَ كِفَايَةِ الْمُهِمِّ عَنِ الْأَعْدَاءِ وَ غَيْرِ ذَلِكَ مِنَ الْأَشْيَاءِ²⁰¹.

Таржимаси. Валийларнинг кароматлари ҳақдир. Бундай каромат узок масофани қисқа муддатда босиб ўтиш, мухтож пайтда озиқ-овқат, ичимлик ва кийимларнинг пайдо бўлиши, сув устида юриш, ҳавода учиш, жонсиз ва тилсиз нарсаларнинг гапириши, келган мусибатни қайтариш, душманларни даф қилишкаби нарсалар валийларда ғайри оддий йўл билан зоҳир бўлади.

Саъдуддин Тафтазоний дастлаб “валий” тушунчасига таъриф беради: “Валий бу Аллоҳни ва унинг сифатларини мумкин бўлган даражада билувчи, тоатларда доим қоим бўлувчи, гуноҳлардан узок бўлувчи, шаҳватлар ва лаззатларда ҳаром амал қилишдан сақланувчи бандадир”²⁰².

Аллома кароматни изоҳлаб, валийнинг каромати ўзидан олдинги пайғамбарликни даъво қилишга ўхшатишсиз ғайри одатий ишнинг зоҳир бўлишини айтади. Бу имон ва солиҳ амал билан бирикмаган бўлса, у ҳолда “истидрож” бўлади. Бу пайғамбарлик даъвоси билан бириккан бўлса, мўъжиза бўлади. Кароматлар ҳақиқатига далил бу эгасидан кўп тўхтовсиз зоҳир бўлиши ва у ердан узок бўлганлар томонидан уни инкор қилиш мумкин бўлмаслигидир. Хусусан, ўхшаш иш ва тафсилотлари биттадир.

Хулоса қилиб, аллома Китобда (Қуръони каримда) Марям (р.а.) ва Соҳиби Сулаймон (а.с.)дан каромат зоҳир бўлгани ҳақида зикр қилган. Шундай экан, исботи бўлгандан кейин уни исбот қилишга ҳожат йўқ дейди²⁰³.

Саъдуддин Тафтазоний матнда келадиган кейинги гапни шарҳ қилишдан олдин унга қуйидагича таъриф беради: “кароматни ва унинг жуда ақлга тўғри келмайдиган қисмларининг баъзиси тафсилотларини очиб берувчи гапни

²⁰¹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 57^б – 58^б.

²⁰² Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 57^б.

²⁰³ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 57^б.

келтирган”. Бу ўринда “жуда ақлга тўғри келмайдиган” деб таржима қилинган сўз матнда “المستعبدة جداً” шаклида келган бўлиб, аслида каромат ақл билан қабул қилинмайдиган ҳолатлигига ишора қилинмоқда²⁰⁴.

Шундан кейин, аллома “узоқ масофани қисқа муддатда босиб ўтиш” (“قَطَعَ الْمَسَافَةَ الْبَعِيدَةَ فِي الْمُدَّةِ الْقَلِيلَةِ”) жумласини қуйидаги далиллар билан шарҳлайди: бу Соҳиби Сулаймон (а.с.) бажарган иши(каромат) кабидир. У машҳур Осиф ибн Барҳиёдир. У Билқис тахтини чекка душман ҳудудидаги узоқ масофадан келтирган²⁰⁵.

Кейин Саъдуддин Тафтазоний “ظُهُورِ الطَّعَامِ وَ الشَّرَابِ وَ اللَّبَاسِ عِنْدَ الْحَاجَةِ” жумласини келтириб²⁰⁶, шарҳ далилига Марям (р.а.) мисолида, Оли Имрон сураси 37-оятни келтиради:

كُلَّمَا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكَرِيَّا الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رِزْقًا قَالَ يَا مَرْيَمُ أَنَّى لَكِ هَذَا قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ.

“Закариё ҳар гал (Марямнинг) олдида – масжидга кирганида, олдида ризқ (муҳайё) турганини кўрар эди. У: “Эй, Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?” – деб сўраса, (Марям): “Булар Аллоҳ ҳузуридан”, – деб жавоб берар эди”²⁰⁷.

“Сув устида юриш” (“و الْمَشْيِ عَلَى الْمَاءِ”) жумласини “кўплаб авлиё ҳақида нақл қилингани каби” деб шарҳлайди²⁰⁸.

“Ҳавода учиш” (“و الطَّيْرَانِ فِي الْهَوَاءِ”) жумласини “саҳоба Жаъфар ибн Абү Толиб, Луқмон ас-Сарахсий ва улардан бошқалар ҳақида нақл қилинган”, – деб шарҳлайди²⁰⁹.

“Жонсиз ва тилсиз нарсалар гапириши” (“و كَلَامِ الْجَمَادِ وَ الْعَجَمَاءِ”) жумласини келтириб, “аммо, жонсиз нарсанинг гапириши, ривоят қилингани каби, Салмон ва Абү Дардоларда ёғоч товоқ бўлган. У эса, мадҳ қилган ва унинг тасбиҳини у иккиси эшитганлар”, дейди. “Аммо, тилсиз жонивор гапириши эса, “Асҳобу-л-кахф” итининг гапириши кабидир”²¹⁰, деб шарҳ қилади. Яна,

²⁰⁴ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 57^б.

²⁰⁵ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 57^б - 58^а.

²⁰⁶ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 58^а.

²⁰⁷ Оли Имрон, 37 // Тафсир, 2012. – Б. 54.

²⁰⁸ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 58^а.

²⁰⁹ Тафтазоний, Инв. № 175/І. – В. 58^а.

²¹⁰ Каҳф // Тафсир, 2012. – Б. 293-304.

бу борада Тафтазоний сигирнинг гапиргани ҳақидаги Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисни далил сифатида келтириб ўтади²¹¹.

“Келган балоларни даф қилиш ва душманлардан етадиган офатларга кифоя қилиш” (“و اندِفَاعِ الْمُتَوَجِّهِ مِنَ الْبَلَاءِ وَ كِفَايَةِ الْمُهِمِّ عَنِ الْأَعْدَاءِ وَ غَيْرِ ذَلِكَ مِنَ الْأَشْيَاءِ”) жумласини келтириб, “бунга Умар (р.а.) ҳақидаги ривоят мисол бўлади. У Мадина шаҳрида масжид минбарида эди. Унинг қўшини эса “Наҳованд” жанг майдонида бўлган. Мадина масжиди минбарида бўлатуриб қўшини амирини тоғнинг орқадаги душман пистирмасидан огоҳлантириб “Эй, Сория, тоққа, тоққа” деган ва узок масофадан сория Умар (р.а.) гапини эшитган”, деб шарҳлайди²¹².

Кейин, Саъдуддин Тафтазоний саҳоба Холид ибн Валид (р.а.)нинг заҳар ичиб, ундан заҳарланмаганлиги ҳақидаги ривоятни келтиради²¹³.

Юқорида келтирилган далиллар асосида шуни таъкидлаш керакки, тасаввуф илми ва валийларнинг кароматлари ҳақиқат. Лекин, шунга қарамасдан мазкур мавзу ўша пайтда ҳам, бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳозирда ҳам ислом динида пайдо бўлган баъзи оқимлар валийларнинг кароматларини ва тасаввуф илмини инкор қилмоқдалар. Ўзларининг бу каби нотўғри ақидаларини ҳимоя қилиш ва бошқаларга ўтказиш мақсадида турли йўллардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, мавжуд қадимий қўлёзма манбаларни замонавий нашрларда жумлаларни ўзгартириш ва баъзиларини тушириб қолдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга мисол тариқасида “Шарҳ ал-ақоид ан-насафий”нинг замонавий нашрларида “و اندِفَاعِ الْمُتَوَجِّهِ مِنَ الْبَلَاءِ وَ كِفَايَةِ الْمُهِمِّ عَنِ الْأَعْدَاءِ” жумласи атайлаб туширилган бўлишига қарамасдан Саъдуддин Тафтазонийнинг мазкур жумлага берган шарҳи келтирилганлиги мисол бўла олади²¹⁴.

Шунингдек, “Ақоид ан-Насафий” асарининг баъзи нашрларида ҳам мазкур гапнинг тушириб қолдирилганини кўриш мумкин²¹⁵. Аслида, бу

²¹¹ Тафтазоний, Инв. № 175/1. – В. 58^а.

²¹² Тафтазоний, Инв. № 175/1. – В. 58^а.

²¹³ Тафтазоний, Инв. № 175/1. – В. 58^а.

²¹⁴ Қаранг: Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. – Истамбул: Мактабат ал-Фурқон. – Б. 223.

²¹⁵ Қаранг: Абу Ҳафс Насафий. Ақоид ан-Насафий. – Истамбул: Усмония, 1308/1891.

ҳолатни адашган оқимларнинг ўз нотўғри ақидаларини беркитиш мақсадида қилаётган ишлари деб баҳолаш ўринли бўлади. Валийларнинг бу кароматларига Баҳоуддин Нақшбанднинг халқ орасида “Баҳоуддин балагардон”²¹⁶ номи билан танилганлиги ҳам далил бўлади.

Хуслоса қилиб шуни айтиш керакки, юқорида келтирилган баъзи ақидавий масалаларни тўғри тушуниш ва англаш ҳамда тўғри талқин қилиш турли хил фитна ва фирқаланишларнинг юзага келишини олдини олади.

²¹⁶ Буюк алломаларимиз / Таҳрир ҳайъати: Ҳ.С.Караматов, З.Ҳусниддинов, А.Мансуров ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002. – Б. 74.

ХУЛОСА

Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий мероси, ҳаёти ва фаолиятини комплекс ўрганиш асносида қуйидаги хулосаларга келинди:

– Алломанинг илмий мероси, жумладан “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” номли асари асосли манбаларга таяниб ёзилган. Аллома ўз даврининг комусий олимларидан бўлган. Тафсир, фикҳ, ҳисоб-китоб, фароиз, наҳв, калом ҳамда фирқалар ҳақида ноёб асарлар ёзиб қолдирган. Шу билан бирга илм-фан ривожига улкан ҳиссалар қўшиб, кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарган. Унинг асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

– Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари қўлёзма нусхалари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар аниқланиб, илмий муомалага киритилди. Ушбу нодир манбалар ҳақида янги маълумотлар келтирилди.

– Саъдуддин Тафтазоний яшаган даврдаги сиёсий вазият анча барқарор эди. Чунки бир юз эллик йилдан ортиқ мўғил мустамлакачилиги XIV асрнинг 70 йилларига келиб Соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги мустақиллик учун олиб борилган курашлар туфайли барҳам топди. Қадимий Турон ва Туркистонда Соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги давлат–қудратли ва буюк империя вужудга келди. Соҳибқирон Амир Темур фақат Мовароуннахрнинггина ҳукмдори бўлиб қолмасдан, у Олтин Ўрда, Эрон, Ҳиндистон, Кавказ орти, Кичик Осиё, Қора денгиз соҳиллари, Сурия ва Мисргача – жами 27 мамлакатни истило қилиб, жуда катта ва кенг ҳудудни ўз ичига олган буюк империяни ташкил қилди.

– Саъдуддин Тафтазоний фалсафа билан калом илми қоришаётган даврда етишиб чиққан буюк мутафаккирдир. Ислом оламида алломадан кейин ижод қилган олимлар “муаххириин” деб номланади. У илм-фан ривожланган муҳитда ижод этди. Дастлабки билимларини Ҳирот, Шероз, Насо, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Ғиждувон каби шаҳарларда олди. Бу даврда Мовароуннахр, Хуросон ва бир неча йирик мамлакатлар Соҳибқирон

Амир Темур ва Темурийлар кўл остида эди. У ўз салтанатининг пойтахти Самарқандга дунёнинг турли минтақаларидан етук олим ва уламолар, меъмор ва муҳандисларни жалб этганди. Жумладан, Балхий ва Дамашқий, Бағдодий ва Марвазий, Тафтазоний ва Журжоний, Жазарий ва Шомий каби юзлаб алломалар ўз илмий фаолиятларини саройда олиб бордилар. Саъдуддин Тафтазоний ҳам Самарқандда дарс бериб, ўзининг бир канча жаҳонга машҳур асарларини айна шу ерда ёзди.

– Олимнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари маълумотларга бой бўлиб, ушбу асар фиркалар тарихи, ислом фалсафаси ва калом илми соҳасида ўз ўрнига эга. Унинг мазкур асари ҳозирги кунимизда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, ҳамда у Қуръони карим, суннат ва бошқа мўътабар манбаларга асосланиб, алломанинг ўз раъй-фикридан ҳам фойдаланган ҳолда яратилган. Шунингдек, асарда етук ислом олимларнинг мушоҳадалари, соф ақидавий мазҳаб таълимотлари, фирқа ва оқимларга раддиялар мавжудлиги алломанинг ўз замонасидаги муаммоларга ҳам ислом динининг асл манбаларидан, ҳамда йирик алломаларнинг асарларидан фойдаланиб жавоб беришини кузатишимиз мумкин.

– Асарда олимнинг турли фирқа ва оқимларнинг эътиқодларини ва фикрларини, нассларни нотўғри талқин этишини айтиб ўтиши ҳамда қисқача баён этиши, зарур ўринларда уларнинг қарашлари билан баҳс-мунозара қилишининг ўзига хос жиҳатлари кузатилди.

– Шу нуқтаи назардан, “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асарининг яна бир жиҳати мавжудки, унда кўрилган айрим масалалардан (мўътазилийлар, қадарийлар, жабарийлар каби оқимларга қарши билдирилган фикрлар) ҳозирги кунда юртимизда учраб турган айрим ақидавий нотўғри фирқа ва гуруҳларнинг ботил эътиқодларига раддия сифатида истифода этиш мумкин.

– Тадқиқот натижалари яна шуни кўрсатадики, Аллома Саъдуддин Тафтазоний мотуридия таълимоти ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк олимдир.

– Ушбу тадқиқот доирасида ўрганилган Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-ақоид ан-насафия” асари ҳозирги кунимизда ислом динидаги турли адашган оқим ва фирқаларнинг нотўғри таълимотларига асосли раддия беришда ҳамда ёшларимиз онгида миллий истиқлол ғояси руҳи асосида йўғрилган кучли иммунитетни шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади.

– Турли даврларда пайдо бўлиб турган адашган фирқа ва оқимлар ҳар хил сабабларга кўра, яъни баъзилари илмсизликлари боис оят ва ҳадисларни нотўғри талқин қилишлари, айримлари шон-шуҳрат, обрў-эътибор, мансаб, ҳокимият туфайли фаолият олиб боришлари ушбу мазҳабларни вужудга келтирди.

– Аллома асарда аввал ҳар бир калом илми мавзусининг юзага келиши, фалсафий ва ақидавий атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, турли фирқа ва тоифаларнинг қарашлари, таълимотлари баён қилган. Шу билан биргаликда, уларнинг қарашларига раддиялар ҳам бериб ўтган.

– Шунга кўра Саъдуддин Тафтазонийнинг фалсафа, калом илми ва уларнинг таълимотларига бағишланган мазкур асари ўзидан кейинги ушбу соҳа бўйича китоб ёзган олимларнинг қарашларида асосий манбага айланди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу асар маънавий-маърифий ҳаётимизда ўзига хос ўринга эга бўлиб, ақидавий ва фалсафий масалалар, турли фирқа ва мазҳаблар тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу асар калом илми тарихи ва унинг таълимотларига бағишланган буюк асардир. Уни доимий илмий тадқиқ қилиш, илмий истифодага киритиш муҳим вазифалардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

РАСМИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 348 б.
5. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –385 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон”, 1998. –429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –529 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –432 б.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. –320 б.
11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –400 б.
12. Каримов И. А. Биз қуриш, яратиш йўлидан борамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 112 б.
13. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 160 б.

АСОСИЙ МАНБАЛАР:

14. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсирлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012. – 624 б.
15. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Қўлёзма. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фонди. Инв. № 175/І.
16. Абу Ҳафс Насафий. Ақоид ан-Насафий. – Истамбул: Усмония, 1308/1891.
17. Тафтазоний, Саъдуддин Масъуд ибн Умар. V жилдли. Шарҳ ал-мақосид. – Байрут: Аълам ал-кутуб, 1998. Ж. I. – 502 б.
18. Тафтазоний, Саъдуддин Масъуд ибн Умар. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия / К. Салома нашрга тайёрлаган. – Дамашқ: 1974. – 367 б.
19. Тафтазоний, Саъдуддин Масъуд ибн Умар. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия. – Эрон: Ихтар, 1914.
20. Тафтазоний, Саъдуддин Масъуд ибн Умар. Шарҳ ал-мақосид. III жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. Ж. I. – 384 б.
21. Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий. Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. I. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.
22. Исомуддин. Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. IV. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.
23. Валийуддин. Ҳошия ало ал-Исомуддин ли ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. IV. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.
24. Мулло Аҳмад ал-Жандий. Ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. I. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.

25. Муҳаммад Шариф. Ҳошия ало ал-Ҳаёлий ли шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. II. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.
26. Рамазон ибн Муҳаммад. Шарҳ ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. – Истамбул: Султония, 1308/1891.
27. Шужоъуддин Румий. Ҳошия ало ал-Ҳаёлий ли ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. IV. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.
28. Лакнавий, Муҳаммад Адулҳай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанфия. II жилдли. – Қоҳира: Дор ал-китоб ал-исломия, 1324/1906.
29. Абдулҳаким Сиялкутий. Ҳошия ало ал-Ҳаёлий ли шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. II. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.
30. Абдулҳусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Техрон: Ширкате Само, 1324/1946. – Б. 69.
31. Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн амр ибн Қозий. Табақот аш-шофий. Ж. I. – Б. 203.
32. Абул Адл Зайнуддин Қосим ибн Қутлубғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафия. – Бағдод: Ал-Ония, 1381/1962.
33. Зириклий, Хайруддин Зириклий. Ал-Аълам. VIII жилдли. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1998.
34. Тақийуддин ибн Абдулқодир ат-Таъмимий ал-Ғаззий ал-Мисрий ал-Ҳанафий. Ат-Табоқот ас-сания фи тарожим ал-ҳанафия. IV жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб, 1390/1990.
35. Ибн Ҳиббон. Саҳих ибн Ҳиббон. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2005.
36. Имом Абу Довуд. Сунан Абу Довуд // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008. – 2856 б.

37. Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад: (Адаб дурдоналари) / Тарж. Ш.Бобохонов, Н.Абдулмажид; Масъул муҳаррир ва биографик маълумотлар, луғат муаллифи А.Самад. – Т.: Фан, 2006. 480 б.

38. Имом Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008. – 2856 б.

39. Имом ибн Можжа. Сунан ибн Можжа // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008. – 2856 б.

40. Имом Муслим. Саҳиҳ Муслим // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008. – 2856 б.

41. Имом Насоий. Сунан ан-Насоий // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008. – 2856 б.

42. Имом Таҳовий. Ақоид. Саудиялик Шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз изоҳи билан / Абдулазиз Мансур таржимаси. – Т.: Мерос, 1992. – 56 б.

43. Имом Термизий. Жомеъ ат-Термизий // Мавсуот ал-ҳадис аш-шариф - ал-Кутуб ас-ситта. – Ар-Риёд: Дор ас-салом, 1429/2008. – 2856 б.

44. Аҳмад Шантовий. Доират ал-маъориф ал-исломия. XV жилдди. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1992. Ж. I. – 687 б.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

45. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ақоид илмлари ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: Шарқ, 2010. – 352 б.

46. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2014. – 112 б.

47. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – 579 б.

48. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Шарқ, 2011. – 280 б.

49. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усул ал-фикҳ. – Т.: Шарқ, 2010. – 576 б.

50. Алимов У. Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Мовароуннахр, 2008.
51. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. II жилдли. Ж. I. – 450 б.
52. Абдуллаев А. Абул Лайс ас-Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахбороти. – 2001, № 1. – Б. 28-32.
53. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Т.: Фан, 1969. – 104 б.
54. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Марғиноний ва унинг издошлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2000.
55. Аллоқулов А. “Ақоиду-н-насафий” ва унга ёзилган шарҳлар // Имом Бухорий сабоқлари: №2. –Тошкент: 2009. –Б. 156-158.
56. Асқалоний, Ибн Ҳажар. Лисон ал-мийзон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1977. VII жилдда. Ж. I. – 653 б.
57. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
58. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 352 б.
59. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 216 б.
60. Аҳмедов Н. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 95 б.
61. Бағдодий Ибн Нажжор. Тарих ал-Бағдод. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1973.
62. Бағдодий Исмоил. Зайл Кашф аз-зунун. – Макка: Мактабат ал-Файсалия, 1981.
63. Бартольд В.В. Ислам. – М.: Издательство восточной литературы, 1918. – 756 б.
64. Бартольд В.В. История мусульманского мира. – М.: Издательство восточной литературы, 1922. – 560 б.

65. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. –Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. –760 б.

66. Бекмирзаев И. Мовароуннахрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар: монография / масъул муҳаррир З.Исломов. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт - матбаа бирлашмаси, 2014. – 332 б.

67. Буюк аждодларимиз Абу Ҳафс Насафий / Д.Раҳимжонов; масъул муҳаррир З.Исломов; ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

68. Буюк алломаларимиз / Таҳрир ҳайати: Ҳ.С.Караматов, З.Ҳусниддинов, А.Мансуров ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёти” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002. – 80 б.

69. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: Ёзувчи, 1996.

70. Дамашкий, Ибн Имод. Шазарот аз-Заҳаб. X жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999. Ж. I. – 436 б.

71. Жалолуддин Абдурроҳман Суютий. Буғят ал-вуот фи тобақот ал-луғавийин ван-нуҳот. II жилдли. – Байрут: Дор ал-фикр, 1399/1979.

72. Жузжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002. –256 б.

73. Заҳабий, Муҳаммад ибн Аҳмад. Сияр ал-аълом ан-нубало. XIX жилдли. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1992. Ж. I. – 663 б.

74. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. – Т.: Фан, 2009. – 140 б.

75. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. II жилдли – Т.: Меҳнат, 1992.
76. Ибн Нажим. Ал-Баҳр ар-роиқ фи канз ад-дақиқ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1973. – 436 б.
77. Исламоведческие исследования в современной России и СНГ: достижения, проблемы, перспективы: материалы I международного научно-практического симпозиума (19-20 февраля 2009 г.): в 2 томах. – Том II / Под ред. Б.М. Ягудина. – Казань: «Intelpress+», 2009. – 306 с.
78. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 320 б.
79. Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии / Под редакцией П. Г. Булгакова. – Т.: Фан, 1993. – 284 б.
80. Қураший, Абу Мухаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Мухаммад ибн Мухаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия. V жилдли. – Ар-Риёд: Дор ал-улум, 1413/1993.
81. Мансур А. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2004, № 4. – Б. 253-255.
82. Маънавият юлдузлари (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А.Қодирий, 1999. – 400 б.
83. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – 224 б.
84. Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами / Масъул муҳаррир: М. Хайруллаев. – Т.: 1999. – 106 б.
85. Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар // Шарқшунослик. 1999, № 3. – Б. 41- 43.
86. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (асрлар): тар.фан.док.дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 46 б.

87. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993. – 57 б.
88. Муҳамма ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажозандий. Фароизус сирожия. – Т.: “Тошкент ислом университети” нарийёт-матбаа бирлашмаси, 2010. –144 б.
89. Муҳаммаджанов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. –159 б.
90. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994.
91. Насруллаев А. Аллома Тафтазонийнинг “Фикҳи Кайдоний” га ёзган шарҳи // “Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференцияси. 6-тўплам. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014.
92. Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари ва унга ёзилган шарҳ, ҳошиялар талқини. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012. –172 б.
93. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
94. Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти: (Монография)/ Масъул муҳаррир А.Ҳасанов; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент ислом университети. – Т.: “Тошкен ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – 348 б.
95. Оқилов С. Абул Муъин Насафий ва “Табсират ал-адилла” асарининг аҳамияти // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахборот бюллетени. 2002. № 1. – Б. 32-35.
96. Оқилов С. Абул Муъин Насафий ва унинг “Табсират ал-адилла” асари // Тарихий манбашунослик муаммолари Республика илмий-амалий анжуман материаллари (2003 25 апрел). – Т.: 2003. – Б. 62-65.

97. Оқилов С. Абул Муъин Насафий мотуридия таълимотининг давомчиси // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахборот бюллетени. – 2004. - № 1. – Б. 13-19.

98. Оқилов С. Абу-Муъин ан-Насафий ва унинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси (Табсирату-л-адилла мисолида). Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – б.

99. Оқилов С. Мовароуннахрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Мовароуннахр, 2012.

100. Прозоров С. М. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.

101. Раҳимджанов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди...дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 170 б.

102. Раҳимжанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламаи Самарқанд” асари асосида): Тар. ф. ном. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 26 б.

103. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” асари ҳадис илми бўйича муҳим манба // Шарқшунослик. 1997. № 3. – Б. 27-32.

104. Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2000, № 2. – Б. 91-93.

105. Рудолф У. Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 397 б.

106. Сагдуллаев А.С., Эшов Б.Ж. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Университет, 1999. – 337 б.

107. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшуносликгидан лавҳалар. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

108. Саййид Муҳаммад ибн Ҳамид Кафавий. Ҳошия ало ал-Исомуддин ли ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия // Мавсуъат ал-ҳавашия ал-

баҳия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Ж. IV. – Миср, Шабро: Дор ал-Мустафо, 2007.

109. Салоҳуддин Тошкандий. Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1991.

110. Сафиуллина Р.Р. Арабская книга в духовной культуре татарского народа. – Казань, Алма-Лит, 2003. – 214 с.

111. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия маъа хошият ал-Хаёлий ва ас-Сиялкутий. – Лакнав: Шавкат ал-ислом, 1314/1896.

112. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Қўлёзма. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси фонди. Инв. № 175.

113. Сиддиқов С. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-мақосид” асарининг ислом ақидасини ўрганишдаги ўрни. Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 68 б.

114. Тревер К.В. Якубовский А.Ю. История народов Узбекистана. – Т.: 1950. – 420 б.

115. Тулепов А. Ислам ва ақмдапараст оқимлар / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Шарқ, 2014. – 536 б.

116. Уватов У. Имом Мотуридий ва унинг таълимоти. – Т.: Фан, 2000. – 48 б.

117. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1995.

118. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 377.

119. Фасих Аҳмад ибн Джалал ад-Дин Муҳаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – Т.: Фан, 1980. – 348 с.

120. Ҳамавий, Шихобиддин Абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ. Мўъжам ал-булдон. VII жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. Ж. I. – 639 б.

121. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом, 1990.

122. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. II жилдли. – Истанбул: 1360-62/1941-43. Ж.I. – 1063 б.

123. Ҳусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Ўқув қўлланмаси. – Т.: Моваруннаҳр, 2000. – 107 б.
124. Ҳусниддинов З. Ислом ва мазҳаблар (Маърузалар матни). – Т.: Маънавият, 2000. – 27 б.
125. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997.
126. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – 156 б.
127. Шарҳ ал-ақоид маъа жамъ ал-фароид (Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган).

Интернет сайт:

128. www.ziyouz.uz

Иловалар

1-илова

	Муаллиф	Асар номи	Изоҳ
	Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий (ваф. 860/1456 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Мазкур асарнинг Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси қўлёзмалар фондида №14/П, №83/П инвентар рақамларда қўлёзма нусхаслари сақланади. Шунингдек, Хаёлий ва Қора Ҳалил ҳошиялари Қоҳирада 1297/1879 йили нашр қилинган.
	Муслиҳуддин Мустафо ал-Қасталоний (ёки ал-Қасталий) (ваф. 901/1495 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бугунги кунда кўп ўқиладиган шарҳлардан бири бўлиб, 1297/1879 йилда Истамбулда нашр қилинган.
	Абдулҳаким ибн Шамсуддин Муҳаммад ас-Сиялкутий (ваф. 1067/1656 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу ҳошия 1293/1876 йили Дехлида нашр қилинган.
	Рамазон ибн Абдулмуҳсин Биҳиштий (ваф. 979/1571 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бугунги кунда кўп ўқиладиган шарҳлардан бири бўлиб, 1297/1879 йили Истамбулда нашр қилинган.
	Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Аърс ал-Ҳанафий (ваф. 932/1526 й.).	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
	Алоуддин Али ибн Муҳаммад (ваф. 875/1470 й.).	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
	Исомиддин Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Асфароиний (ваф. 945/1538 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Қасталий ва Хиёлийларнинг ҳошияларига қараганда ҳажман катта.
	Илёс ибн Иброҳим ас-Синобий.	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
	Мансур ат-Таблоби аш-Шофий.	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
0	Аҳмад ал-Бардаъий	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Рамазон Афанди ҳошияси каби қиска.
1	Сайид Муҳаммад ибн Ҳамид ал-Қафавий	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу ҳошия кенг. Унда бошқа ҳошияларга қараганда батафсил шарҳ қилинган.
2	Муҳаммад ибн Абу Шариф ал-Қудсий(ваф. 905/1499 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу ҳошия “ал-Фароид фи ҳалл шарҳ ал-ақоид” деб номланган.
	Шихобиддин Аҳмад	Ҳошия ало шарҳ	

3	ал-Аъний.	ал-ақоид ан-насафия	
4	Қози Шиҳоб Аҳмад ибн Юсуф ал-Ҳасанкифий ас-Синдий (ваф. 895/1490 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу таълиқот “Тухфат ал-фавоид ли шарҳ ал-ақоид” деб номланган.
5	Алоуддин Али ал-Арабий (ваф. 901/1496 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
6	Муҳаммад Ҳасан ас-Санбалий (ваф. 1305/1888 й.)	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
7	Абдулазиз ал-Фарҳорий	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу таълиқот “ан-Ниброс” деб номланган.
8	Али ибн Али ибн Аҳмад ал-Бухорий	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу ҳошия “Фароид ал-қароид аъло шарҳ ал-ақоид” деб номланган ва кенг тўлдирилган шарҳ.
9	Шоҳ Муҳаммад ибн Муборак ал-Қазвиний (тахминан ваф. 920/1514 й.).	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
0	Шайх Муҳаммад ибн Қосим ал-Ғарбий(ваф. 918/1512 й.).	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
1	Синонуддин Юсуф ал-Ҳамидий(ваф. 912/1506 й.).	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
2	Рамазон ибн Муҳаммад (ваф. 1025/1616 й.)	Шарҳ ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Бу шарҳ Рамазон Афанди номи билан машҳур бўлиб, 1327/1909 йили Дехлида ва 1308/1891 йили Истамбулда Султония нашрётда нашр қилинган.
3	Шарафуддин Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Фаримий	Ҳошия ало шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
4	Шамсуддин Аҳмад ар-Румий (ваф. 854/1450 й.) “Қорача Аҳмад” номи билан машҳур	Ҳошия аъло шарҳ ал-ақоид ан-насафия	
5	Камолуддин Исмоил ар-Румий ал-Қармоний “Қора Камол” номи билан машҳур	Ҳошия аъло ҳошия шарҳ ал-ақоид ан-насафия	Хаёлийнинг ҳошиясига ёзилган асар

